ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 124 (9.774) 2002 йил 21 октябрь, душанба Сотувда эркин нархда

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Польша Республикасининг Президенти Александер Квасьневскийнинг **кеча** Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди.

• Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлган НАТО Парламент Ассамблеяси делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов билан учрашди. НАТО Парламент Ассамблеяси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида ҳам бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги ижтимоий - иқтисодий ривожланиш якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотлар жараёнини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

• Асака мотор таъмирлаш заводи негизида янги ташкил этилган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси «Ўзроссмотор» номини олди. Бунда «Владимир» трактор заводи» акциядорлик жамияти ҳамкорлик қилди. Қўшма корхонанинг низом жамғармаси 490 минг доллардан иборат.

• Узоқ танаффусдан сўнг «Мўйноқконсервакомбинати» акциядорлик жамияти қайта иш бошлади. Бу ерда кўпдан буён тўхтаб турган дастгоҳлар яна ҳаракатга келиб, жамоанинг икки юздан ортиқ аъзоси ўзларининг қадрдон касблари билан шуғулланиб бошлади.

• Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида Лихтенштейн давлатининг «Мершантекс» компанияси билан ҳамкорликда «Медикал коттон интернейшнл LTD» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонаси ишга туширилди.

• Марғилонда замонавий велосипедлар ишлаб чиқарадиган «Марбело» Ўзбек-Белорусь қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхонада ойига 1 минг 600 дона велосипед ишлаб чиқарилади.

• Навоий вилоятидаги касб-ҳунар коллежлари сони 20 тага етди. Куни кеча вилоят марказида маданият ва санъат касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

• **Бугун** Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун. (Шу санага бағишланган туркум мақолаларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

• Ушбу ҳафтада Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги муносабати билан республикамиздаги мактабларда, олий ўқув юртларида танловлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар бўлиб ўтади.

• Ўзбекистонда Япония Маданият кунлари давом этмоқда. Ўтган шанба куни «Ўзэкспомарказ» ҳудудида жойлашган Япон боғида маросим ўтказилди. Унда Японияннинг тарихи ва анъаналари, мамлакат тараққиёти ҳақида сўз борди.

• Республика Ёш томошабинлар театрида италиялик машҳур драматург Карло Гоццининг «Қирол Буғу» («Икки мўъжиза») асари асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

Жаҳонда

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Европа Иттифоқининг ТАСИС лойиҳаси доирасида Франция пойтахти Парижда бўлди.

• Украина Олий Радаси ўзининг навбатдаги мажлисида ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан боғлиқ фактларнинг қанчалик тўғри ё нотўғрилигини аниқлаш учун 12 нафар депутатдан иборат парламент комиссиясини тузди. Шунингдек, Олий Рада парламентнинг ташқи ишлар қўмитасига комиссия ишида хорижий кузатувчилар ҳам қатнашиши лозимлигини уқтирди.

• Индонезия ҳукумати терроризмга қарши янги декрет қабул қилди. Унга кўра, эндиликда террор билан шуғулланган киши ўлимга маҳкум этилади, дейди Индонезия адлия вазири Махендра. Бундай декрет қабул қилинишига яқинда Бали оролида содир этилган террористик ҳаракати сабаб бўлди, дейилади Reuters агентлиги тарқатган хабарда.

• АҚШ Президенти Жорж Буш, мабодо Ироқ томонидан Исроилга қўққисдан ҳужум уюштириладиган бўлса, Исроил ўзини ўз кучи билан ҳимоя қила олиш қурбига эга эканлигини қўллаб-қувватлади. Ўз ўрнида Исроил ҳукумати АҚШнинг Ироққа ҳужум уюштирмаслиқ учун барча чораларни кўришига ишонч билдирди.

• АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг айтишича, Шимолий Кореяда 2 та атом бомбаси бор. Ундан аввалроқ эса расмий Пхеньян ўз махфий ядро дастурига эга эканлигини ва Қўшма Штатлар билан 1994 йили имзоланган келишувга келгусида амал қилмаслигини маълум қилган.

• Москва шаҳрининг Новий Арбат кўчасида Магадан вилоятининг губернатори Владимир Цветков хизмат машинасидан тушаётган пайтда отиб кетилди. Россия Президенти Владимир Путин бу жиноят иши билан шахсан ички ишлар вазири Борис Гризлов ҳамда бош прокурор Владимир Устиновлар шуғулланиши борасида кўрсатма берди. Таҳминларга кўра, қотиллик буюртма бўлиши мумкин.

• Қалмиқистонда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Ушбу лавозимга 11 та номзод даъвогарлик қилди.

• Хорватия ҳукумати Россия Фавкулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги «Эмерком» агентлиги билан шартнома тузди. Унга кўра, агентлик мутахассислари собиқ Югославия ҳудудини ўзаро жанглар пайтида жойлаштирилган миналардан тозалайди.

• Ирландияда Европа Иттифоқини кенгайтириш масалалари хусусида қайта референдум ўтказилди. Референдум натижаларига кўра Европа Иттифоқига Марказий ва Шарқий Европанинг 10 та мамлакати аъзо бўлиши масаласи боғлиқ бўлади.

• Филиппин пойтахти Манилада кучли портлаш содир бўлди. Шаҳар автобусига бомба қўйилган эди. Портлаш оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди, 20 киши жароҳатланди.

• Испания олий суди коллегияси кокаин контрабандаси билан шуғулланганликда айбланаётган Россиянинг 12 нафар денгизчисини, икки нафар белорус ва бир эстонияликни 10 йил қамоқ жазосига ҳамда йирик миқдорда жарима тўлашга ҳукм қилди.

• Яқинда Мисрда Александрия кутубхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Эрамиздан аввалги III асрда, Птоломей даврида асос солинган ушбу кутубхонани янгидан қуриш учун Миср 220 миллион доллар сарфлади. Унинг фондида 8 миллион дона китоб сақланиши кўзда тутилмоқда.

ҲАШАР — ҲАММАГА ЯРАШАР

Уюшқоқлик билан ўтди

Шаҳримизда табиат муҳофолиги, атроф-муҳит озодалиги бўйича ўтказилаётган қатор тадбирларда халқаро «Экосан» жамғармасининг ўрни катта бўлаётир.

Ўтган куни шаҳримизда халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ташаббуси билан «Экология ва саломатлик» кунларининг учинчи босқичи доирасида «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида умумшаҳар ҳашари ўтказилди. Ҳашарда барча туманлардаги ўқув юртларининг ўқувчи ва талабалари ҳамда ташкилот, муассасаларнинг ишчи-хизматчилари уюшқоқлик билан қатнашдилар. Жумладан, сўлим дам олиш масканни бўлмиш Ботаника боғидаги ҳашарда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ҳамда элчихоналар вакиллари, банк ходимлари ва боғ ишчи-хизматчилари сидқидилдан меҳнат қилиб озодагарчилик юмушига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шунингдек, «Экосан» боғида ташкил қилинган шанбаликда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг 500 дан ортиқ ўқитувчи ва талабалари қатнашдилар. Ҳашарчилар иштирокида боғдаги дарахтларнинг таги юмшатилиб, ариқлар тозаланди, чиқинди ва хазонлар йиғилиб шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди.

Ҳашар ҳаммага ярашар, деганларича бор. Ушбу шанбалик куни ҳамшаҳарларимиз шаҳримизнинг янада озода, кўркам бўлишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Дилором ИКРОМОВА

Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

• **МИНТАҚАЛАРАРО** стратегик тадқиқотлар институтида Ўзбекистон Давлат иқтисодиёт ва дипломатия университети билан ҳамкорликда талабалар, журналистлар, ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда матбуотда ёритилаётган мақолаларнинг савиясини янада ошириш масаласи ҳақида сўз борди.

• **«ЭКОСАН»** халқаро жамғармасида ўтказилган «Барқарор тараққиёт учун ҳамкорлик» мавзуидаги тадбир Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси вакиллари ҳамкорлигида уюштирилди. Унда «Атроф-муҳит ва тараққиёт борасидаги ҳамкорлик» деб номланган янги китоб чоп этилганлиги маълум қилинди.

• **ТОШКЕНТ** иккиламчи қора металл корхонасида хизматчилар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда шу кунгача 80 минг тоннага яқин хом ашё қайта қуйилганлиги маълум қилинди ва келгуси режалар белгилаб олинди.

• **ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР** маданият саройида темирйўл соҳаси ходимлари иштирокида уюштирилган тадбирда ушбу соҳани янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.

• **МИРОБОД** туманидаги «Фурқат боғи» чойхонасида туман ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» жамғармаси ташаббускорликларида маҳаллалардан ташриф буюрган фахрийлар иштирокида ўтказилган тадбир Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Ғолиблар тақдирланди

Шаҳримизда бир ҳафта давомида ўтган теннис бўйича Осиё чемпионати қизиқарли ва шиддатли баҳслар, муҳим воқеаларга бой бўлди.

Ўтган жума куни «Шератон Тошкент» меҳмонхонасида Осиё теннис федерациясининг Президенти Ичи Каватей (Япония), қитъа федерациясининг вице-президентлари ва Осиёнинг кўплаб мамлакатлари теннис уюшмаларининг раҳбарлари иштирокида қитъа федерацияси директорлар Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Осиёда теннисни янада ривожлантириш билан боғлиқ муҳим масалалар, жумладан кейинги йилларга мўлжалланган мусобақалар тақвими кўриб чиқилиши билан бирга директорлар Кенгашининг келишувига асосан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантириш борасидаги хизматлари учун Осиё теннис федерациясининг махсус мукофотига лойиқ деб топилди.

Шанба куни аралаш жуфтликлар ўртасида финал баҳси ўтказилди. Ушбу қизиқарли беллашувда жуфтликлар ўртасида тўртинчи рақамли сараланган ўйинчилар — П.Хандейо — В.Савондори (иккови Индонезиядан) ўз ҳамюртлари С.Суванди ва П.Андрианиларни енган ҳолда Осиё чемпионлари бўлишди.

КЕЧА

ишқибозлар билан тўла марказий кортда эркаклар ва аёллар ўртасида финал учрашувлари ўтказилди. Дастлаб кортга эркаклар ўртасида Осиё чемпионини аниқлаш мақсадида япониялик Гоичи Мотомура ҳамда Ҳиндистон вакили Рохан Бопанналар тушишди. Гарчи биринчи сетнинг дастлабки геймларида Бопаннанинг қўли баланд келган бўлсада бутун ўйин давомида Мотомуранинг рейтинг рақами анча юқори ва тажрибаси ҳам кўпроқ эканлиги яққол сезилиб турди. Бинобарин, дастлабки олти геймдан сўнг ҳисоб 3/3 бўлсада, биринчи сетни Мотомура 6/4 ҳисобида ўз фойдасига якунлади. Иккинчи сетда ҳам фақат дастлабки геймларда бир оз тенг ўйин кечиб, ҳисоб Мотомура фойдасига 3/2 бўлиб турди. Кейин япониялик спортчи рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмасдан сетни 6/3 ҳисобига якунлаб Осиё чемпиони фахрли номини қўлга киритди.



Сўнг ҳамюртимиз Иванна Исроилова ва япониялик Акико Моригамилар аёллар ўртасида Осиё чемпионини аниқлаш учун кортга тушишди. Осиё чемпионатининг финалига чиқиш 16 ёшли тошкентлик спортчи учун катта муваффақият эди. Унинг рақиби Иваннадан 6 ёш катта, табиийки тажриба бобида ҳам анча устун эди. Шундай бўлса-да дастлабки икки геймда Иваннанинг қўли баланд келди. Бироқ биринчи сет 6/2 ҳисобида Моригаминнинг ғалабаси билан тугади. Иккинчи сетда 1/1 ҳисобидан сўнг Иванна жароҳатланди ва бу ўйинга ўз таъсирини ўтказди. Натижада иккинчи сетни ҳам 6/1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этган Акико Моригами Осиё чемпиони бўлди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида сўз олган Осиё теннис федерациясининг президенти жаноб Ичи Каватей ғолибларни самимий қутлаган ҳолда мусобақанинг барча ташкилотчилари — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон теннис федерацияси, ҳомийларга миннатдорчилик билдирди.

Сўнг Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов ва Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасининг президенти Собир Рўзиевлар барча ғолиб ва совриндорларга зар чопон ва дўппи кийдирган ҳолда Осиё чемпионатининг махсус Кубокларини топширишди. Австралия очиқ чемпионатининг маркетинг бўйича менежери Ричи Жий Мотомура ва Моригамиларга ушбу чемпионатда 2003 йили асосий сеткада қатнашиш ҳуқуқини берувчи «Wild card»ларни топширди.

Мусобақа якунланганидан сўнг «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, «Орият доно» радиоканали томонидан уюштирилган билимдонлар викторинаси ғолибларига махсус совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: финал баҳси ва ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

БМТ Бош котибининг ташрифи

Илгари хабар қилинганидек, 18 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Таъкидлаймоқ керакки, бу жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот раҳбарининг мамлакатимизга ва умуман Марказий Осиё давлатларига илк бор қадам ранжида қилиши. Шу жиҳатдан ҳам ташрифни тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.

«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу Ўзбекистон ва умуман минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, долзарб муаммолар юзасидан бафуржа фикр алмашиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Музокара якунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислом Каримов суҳбат очиқ ва самимий рухда ўтганини, томонлар кўплаб масалалар юзасидан фикрлашганини маълум қилди.

— Мулоқотимиз давомида эътибор қаратилмаган масала қолмади ҳисоб, — деди Президент. — Террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик, Орол муаммоси, тараққиёт масалалари, Ўзбекистон—БМТ муносабатлари теран таҳлил этилди. Биз Кофи Аннанни нафақат БМТ Бош котиби сифатидаги расмий шахс, балки Нобелнинг Тинчлик мукофотига сазовор бўлган йирик сиёсат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. У билан суҳбат давомида БМТ Ўзбекистон ва Марказий Осиёга оид масалалар билан жиддий шуғулланаётганига амин бўлдим.

Кофи Аннан мулоқот давомида минтақамиздаги сув заҳираларидан унумли фойдаланиш, давлат бошқаруви, инсон ҳуқуқлари каби соҳалар бўйича ҳам кенг кўламда фикр алмашилганини маълум қилди. Ўзбекистон—БМТ муносабатлари шиддат билан ривожланаётганидан мамнуниятини изҳор этиб, келгусида бу алоқалар янада ривожланишига умид билдирди.

— Ўтиш даври — мураккаб давр, — деди БМТ Бош котиби. — Марказий Осиё бўйлаб сафарим давомида минтақанинг барча мамлакатларига бориб, мавжуд вазият билан яқиндан танишиш, давлат раҳбарларини фикрларини ўрганиш имконияти туғилганидан мамнунман. Шунингдек, шонли тарихга эга бўлган Ўзбекистоннинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат этиш чоғида мамлакатингиз билан, халқингиз билан янада яқинроқ танишаман, деган умиддаман.

Матбуот анжуманида Ўзбекистоннинг БМТни ислоҳ қилиш борасидаги ташаббуслари ҳаётда қай даражада ўз аксини топаётгани борасидаги саволга жавоб берар экан Президент Ислом Каримов, БМТни ислоҳ қилишга эҳтиёж катта эканлигини таъкидлади.

Ташкилот ярим аср аввал тузилган. Ҳозир эса воқеълик, муаммолар, дунёнинг сиёсий ва иқтисодий харитаси, умуман, вазият тамомила бошқача. БМТ уларга мослашиши, ҳар бир масалага имкон қадар самарали ечим топиш учун замонавий ёндашув йўлларини излашга шай бўлиши керак. Марказий Осиё нуқтаи назаридан олганда, гуманитар соҳадаги алоқалар, Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Лекин хавфсизлик, хусусан, минтақада террор ва экстремизм таҳдиди кучайишининг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик самара бермади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг Афғонистонда «Толибон» ҳукмронлик қилган вақтларда толибларга нисбатан сиёсат бўйича қабул қилган резолюциялари амалда иш бермади. БМТ Хавфсизлик кенгаши розилиги билан АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалицияси кўшини юртда террорчиларнинг уяларини тугатмаганида, ҳозиргача қандай вазият юзага келишини тасаввур қилиш ҳам қийин. БМТни ислоҳ этиш борасида ҳам амалий ўзгаришлар кўринмаяпти.

Кофи Аннан инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳамкорлик мавзуига оид саволга жавоб қайтарар экан, ташкилотнинг бош вазифаларидан бири ҳам демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилгани, Ислом Каримов билан мулоқот чоғида бу масала атрофлича муҳокама этилганини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга уч кунлик расмий ташрифи доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди. Кеча БМТ Бош котиби Бухородан жўнаб кетди.

ФАН ОЛАМИДА

Тадқиқотларга — патент гувоҳномаси

Электр алоқаси ва радио соҳаси мутахассислиги бўйича тайёрланаётган малакали кадрларни темирйўл транспортида кўплаб учратиш мумкин. Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институти бу борада айниқса фаоллик кўрсатмоқда.

Олий ўқув юртининг «Электр алоқаси ва радио» кафедраси ўқув дастури доирасида шу соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича муҳим таълимий тадбирларни амалга оширмоқда. Айни вақтда фан билан амалиёт ўзаро алоқадорлигига ҳам эришилмоқда.

Транспорт алоқа воситаларини амалиётда қўллаш билан боғлиқ изланишлар яхши натижа бермоқда. Бу эса темир йўл алоқа воситаларида самарали техник хизмат кўрсаткичларига ҳамда узлуксиз ҳаракат хавфсизлик даражасига эришиш имконини бермоқда.

Кафедра бу каби жиддий изланишлари учун республика патентларини қўлга киритди. Иккита тадқиқот учун эса Россия Федерацияси патенти гувоҳномаси берилди.

Анвар АББОСОВ

Дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат бўлиб, юз йилликлар давомида бу ерда турли миллат ва элатлар вакиллари ўз маданиятлари ва анъаналарини сақлаган ҳолда ахил-тотув яшаб келмоқдалар. Юртимиз Мустақилликка эришгач кўплаб миллий-маданий марказлар ташкил этилиб, кенг кўламдаги фаолиятини бошлаши фикримиз далилидир.

«Ўзбекистон—Польша ўртасида амалий ва маданий-маърифий ҳамкорликка кўмаклашиш» Халқаро ассоциацияси қошида «Полония» поляклар уюшмаси ташкилоти мустақиллигимизнинг дастлабки йилида ташкил топган эди. «Полония» уюшмаси раиси Елена Яковлеванинг сўзларига қараганда ушбу ташкилотнинг асосий мақсади нафақат ҳозирда юртимизда ахил-ҳамжиҳатликда яшаб, фаолият кўрсатаётган бешмингдан ортиқ поляклар нинг миллий анъаналари ва удумларини қайта тиклаш, балки Ўзбекистон ҳамда Польша ўртасида маданий, иқтисодий, сиёсий, илмий алоқаларнинг ҳар томонлама ривожига кўмаклашишдир. Ўз олдига қўйилган мақсадларни амалга ошира бориб, поляклар нинг «Полония» уюшмаси тарихга бағишланган, шунингдек мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти юзасидан семинарлар, турли кечаларни доимий тарзда ўтказиб келади. Ушбу тадбирларга поляк бизнеси, жамоатчилиги вакиллари, талабалар таклиф этилади. «Полония» уюшмаси кўмагида поляк миллатига мансуб 35 нафар юртдошларимиз ҳозир Варшавадаги олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Ўзбекистонлик ўқувчилар эса Польшадаги болалар оромгоҳларида мунтазам ҳордиқ чиқаради.

2002 йилнинг октябри Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча поляклар учун унутилмас ой бўляпти. Бинобарин, Польша Республикаси Президенти жаноб Александер Квасьневскийнинг мамлакатимизга ташрифи муносабати билан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. «Полония» уюшмаси аъзолари ҳам фаолиятларини янада фаоллаштирдилар. Улар «Бизнесменлар ва сайёҳлар учун ўзбекча-полякча сўзлашув китоби»ни тайёрлашда иштирок этдилар. Поляклар уюшмаси раиси Елена Яковлева профессор В. Гентшке билан ҳамкорликда Польша тўғрисида илмий ишни тайёрлади ва у Ўзбекистонда нашрдан чиқди. Ушбу қизиқарли илмий китоб яқинда Польшада ҳам чоп этилади. Польша президентининг расмий ташрифи арафасида эса «Полония» уюшмаси кўмагида Тошкентга поляк пианиночиси М. Адамчак таклиф этилди.

Ҳозирги кунда «Полония» поляклар уюшмаси аъзолари 11 ноябрь — Польша мустақиллиги кунини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

АНЖУМАНЛАР

БУГУН

Тошкент Ахборот технологиялари университетида Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ижро этилишига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Қонун ижросига бағишланди

Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган мазкур анжуманда «Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компанияси ва унинг таркибидаги барча акциядорлик жамоалари ходимлари, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ходимлари, талабалар, кутубхоналарнинг бош мутахассислари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари Шомансур Обидхўжаев, Тошкент ахборот технологиялари университетининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори профессор Нигматулла Мўминов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси ўринбосари, филология фанлари номзоди Ҳабибулла Бектемиров ва бошқалар «Миллий истиқлол ғояси ва Давлат тили», «Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш давлат дастурида белгиланган вазифалар», «Техник атамаларни соф ўзбек тилига ўгириш борасидаги ишлар» мавзуларида тўхталиб ўтдилар.

Анжуман давомида йиғилганларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоблар қайтарилди.

Нурулло СОИПОВ

Маънавий бойлигимиз

Мирзо Улуғбек туманидаги Тўхтамурод Умаров номли 99-ўрта мактабда «Она тилим — жону дилим» шиори остида ҳафталик ўтказилди.

Унда 1-4 синфлар ўқувчилари ўртасида ўзбек тили ҳақидаги шеърлар кўриги, 5-9 синфларараро «Тил тўғрисидаги қонунни ким кўпроқ билади?» мавзусидаги беллашувлар, 10-11 синф ўқувчилари ўртасида «Муомала маданияти — гўзал фазилат» номли саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ҳафталик ўтказишдан мақсад тилимизга Давлат мақоми берилганлигининг 13 йиллигини нишонлаш, тил маданияти ҳамда муомала одоблари ҳақида ўқувчилар билимларини оширишдир.

Ушбу ҳафталик тадбирларини режали ташкил этиш ва ўтказишда мактабнинг тажрибали ўқитувчиларидан Д.Бегматова, К.Абдусаматова ҳамда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ю.Хўжаевалар нинг ҳиссалари катта бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

(Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 13 йиллигига бағишланган саҳифа билан газетанинг 2-бетида танишасиз).

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ хўжалиги истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва «Тошшаҳармаишийхизмат» уюшмасининг саҳифаси

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тадбиркорлар фаолиятини тартибга солиш, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш, истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида шу йилнинг 6 майида ҳукуматимизнинг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида», 12 июлда «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 19 июлда «Республикага истеъмол товарларининг ноқонуний олиб кирилиши ва савдо қилинишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ва ниҳоят 20 августда «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» каби қатор қарорлари эълон қилинди.

Ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан булар жумласига шу йилнинг 28 июнидаги 121-Ф-сонли фармойиш, 1 июлдаги 360-сонли ҳамда 30 августдаги 488-сонли қарорларни киритиш мумкин.

Юқорида номлари қайд қилинган қарорларнинг моҳиятини тадбиркорларга тўғри ва ўз вақтида етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ҳамда ушбу қарор юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан биргаликда қабул қилинган йўриқномалар ҳам ҳар бир тадбиркорлар эътиборига етказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигида тадбиркорларнинг вакиллари, бозорлар маъмурияти, «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бошқаруви мутасадди идораларининг раҳбарлари иштирокида бир неча бор йиғилишлар ўтказилди. Булардан кўзланган мақсад четдан олиб келинаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилгани, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида инсон саломатлигига хавф солувчи сифатсиз маҳсулотлар савдосига тўсиқ қўйилганлиги, олиб кирилаётган товарлар учун божхона божи, мажбурий йиғим, қўшимча қиймат солиғи ва божхонада расмийлаштириш ҳақлари ўрнига тўлов даражаси олдингисидан анча паст бўлган ягона божхона тўлови жорий этилганлигини тушунтиришдан иборат эди.

Шуни таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари нафақат республикага истеъмол товарларини ноқонуний олиб кирилишининг олдини олди, балки турли ноқонуний йўллар билан олиб кирилган товарларнинг ички бозорларда тегишли ҳужжатларсиз савдо қилинишини қаттиқ назорат остига олди. Масалан, биргина шу йилнинг 20 августида эълон қилинган 295-сонли қарорни олиб кўрайлик. У республикага сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олишга қаратилган. Қарорга кўра ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар томонидан республикага олиб келинган барча турдаги истеъмол товарларини божхона расмийлаштируви — фақатгина мувофиқлик сертификати тақдим этилгандагина амалга оширилади. Мувофиқлик сертификатлари эса «Ўздавстандарт» маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўрнатилган тартибда берилади. Ёки бўлмаса 154-сонли қарорни олиб кўрайлик. Унинг мазмуни, моҳияти ва мақсади асосан битта. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва ҳудудимизга олиб кирилаётган товарларни тартибга солиш, юкларни божхонада расмийлаштириш қоидаларини соддалаштириш ҳамда ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларни, бир сўз билан айтганда, ички бозоримизни ҳимоя қилишга қаратилди.

Ҳозирги кунга қадар мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади: юқоридаги каби ноқулай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун нима қилмоқ зарур? Саволнинг жавоби эса оддий: ҳар бир тадбиркор аввалambor ўзининг савдо фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, чет элдан олиб келинаётган турли хил товарларни божхонада тўлиқ расмийлаштирса ва керакли божхона тўловларини тўласа кифоя. У бемалол савдо фаолиятини давом эттираверади.

Иқтисодиётимизнинг барқарор бўлиб боришига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири бу хуфёна ишлаб чиқарилаётган турли хил озиқ-овқат, саноат молларидир. Мамлакатимизда ишбилармонлар сони тобора ошиб боряпти. Улар томонидан бежирим буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Лекин баъзи бир тадбиркорлар ўз маҳсулотларининг нархини ошириш мақсадида уларга чет эл фирмаларининг тамғаларини боси б чиқаришдан уялишмаяпти. Гўё шундай қилинса маҳсулот харидоргир бўладигандек. Албатта, ҳар бир фуқаро сифатли кийим-кечак ва пойабзал, шунингдек, бошқа турдаги маҳсулотларни харид қилишни ёқтиради. Лекин яхши ният билан харид қилинган товарларнинг сифати бўлмасачи? Албатта, истеъмолчи бундан ранжийди. Зеро, ҳар қандай тараққий этган давлатникидан қолишмайдиган ўзимизнинг сифатли маҳсулотларимизни кенг кўламда ишлаб, савдога чиқариш имкониятига аллақачон эгамиз.

Албатта, барча қатори пойтахтимизда ҳам ҳукумат қарорлари моҳиятини тадбиркорларга тўғри тушунтириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бозорлардаги радио тармоқлари орқали эслатма ва қарорлар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда эшиттириб борилади. Мана шундай изланишлардан бири «Тадбиркорларга эслатма» қўлланмасининг яратилганлигидир. Ушбу қўлланма билан танишиб чиққан тадбиркорлар учун алоҳида «Рўйхатга олиш китоби» юритилди. Булардан ташқари тадбиркорларни қизиқтирувчи саволларга жавоб бериш учун божхона ва солиқ бошқармалари ходимлари иштирокида йиғилишлар ҳамда йирик буюм бозорларида маслаҳатхоналари ташкил этилди.

Божхона хизмати, Ички ишлар бошқармаси ҳамда Давлат Солиқ бошқармаси ходимлари томонидан республикамиз ҳудудига олиб кирилаётган товарларни амалдаги қонунчиликка асосан расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Энди «Отчопар» буюм бозори ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 июндаги «Отчопар» буюм бозори фаолиятини такомиллаштириш, савдони замонавий услубларда ташкил этиш тўғрисида»ги «Топшириқ-баённома»си ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 10 июлида Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ушбу бозор акциядорлик жамияти фаолиятини замонавий улгуржи-чакана бозор сифатида шакллантириш режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун барча тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳага кўра, «Отчопар» бозори энди аввалгидек устиочиқ, тор пештахталар ва соябонли қилтирик расталардан иборат бўлмайди. Сотувчилар молларининг узунлиги атиги 80-90 сантиметр бўлган пештахталарга ёйиб ёки пештахта тепасига осиб қўйиб, иссиқда ёниб, совуқда музлаб ўтиришмайди. Қонунларимиз талабларидаги ҳужжатга эга ҳар бир тижоратчи мўъжазгина дўкончаларга эга бўлади. У қишда иситилади, ёзда совутадиган ускуналар билан жиҳозланади. Шунингдек, дўкон эгалари кечқурун иш жойларини беркитиб, уйларига бехавотир қайтадилар. Шундай қулай режани амалга ошириш мақсадида бозор фаолияти вақтинча тўхтатилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозирги кунгача «Отчопар» буюм бозорида 7665 тадбиркорларни Тошкент шаҳридаги бошқа бозорлардаги бўш савдо жойларига кўчириб жойлаштириш тадбирлари кўриб чиқилди. Шаҳар ҳудудида жойлашган бозорлардаги бўш савдо жойлари ҳақида ўзбек ва рус тилидаги маълумотлар ҳар бир бозор номидан 200 нусхада «Отчопар» буюм бозоридаги тадбиркорларга тарқатилди. Бозорлар раҳбарлари ва уларнинг масъул ходимларини йиғиб, «Отчопар» буюм бозоридан жой сўраб келган тадбиркорларни бўш савдо ўринлари билан таъминлаш ва уларни рўйхатга олиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Бозор фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги сабабли тадбиркорлик ишини давом эттириш истагини билдирган жисмоний шахслардан 2700 таси бошқа бозорлардан жой билан таъминландилар. Шундай эҳтиёжларга зарур бўлган тадбиркорлар эҳтиёжини қондириш чора-тадбирлари давом этмоқда.

Юқорида баён қилинган қарор ва фармойишлар ижросини тўлиқ таъминлашни амалга ошириш жараёни Тошкент шаҳар ҳокимиятининг доимий назоратига олинди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР

Одамлар «раҳмат» десин

Яқин бир қадрдонимиз наҳорги ошга таклиф этди. Тўкин дастурхон атрофидан жой олишимиз билан барча қатори олдимизга бир лаган ҳовури чиқиб турган ош тортилди. «Олинг, олинг» билан ошга қўл чўздик. Биринчи луқманинг ўзидаёқ ён-атрофимизда ўтирганлар ошпазнинг таърифини қила кетишди.

— Қўли дард кўрмасин, роса қиёмига етказибди-да.

— Юртимизда номи тилга тушган ошпазлар кўп. Лекин буниси ўзгалардан ўтиб тушибди.

— Чиндан ҳам палов маромида тайёрланган, мақтаса мақтагудек. Оғизда мазаси қоладиган даражада экан.

— Ошпаз ким экан?

Мана шу савол бизни ҳам қизиқтириб қолди. Тўй эгаларидан сўраб-суриштирдик. Улар Севаркул Султоновнинг номини айтишди. Ошпазни қидириб эртасига у ишлайдиган «Юнусобод» деҳқон бозорининг 15-ошхонасига бордик.

Севаркул акага учрашмасдан олдин бироз бўлса-да ошхона ишини четдан кузатдик. Ҳали тушликка эрта бўлишига қарамай стол-стуллар хўрандалар билан гавжум эди. Хизматчилар ширинсуханлик билан улар истагини бажо келтиришар, ҳар бир мижозга эътибор билан қарашарди.

Шу пайт ташқаридан кириб келган кекса отахон бўш ўринликлардан бирига келиб ўтирди.

— Хуш келибсиз, буюринг ота. Қандай таом келтирайлик, — сўрашди ундан одоб билан хизматчилар.

— Агар малол келмаса менга бош ошпазларингизни чақириб берсангиз. Унда бир илтимосим бор эди.

Хизматчиларнинг ишораси билан тўладан келган ўрта ёшлардаги киши отахоннинг ёнига келди.

— Мен бош ошпаз Севаркул Султонов бўламан. Сўраган экансиз, отахон.

Қария узоқдан келаётгани, йўлда пулини олдириб қўйгани, излаган одамини тополмай айни дамда жуда толиққанини минг андиша билан бош ошпазга тушунтирди.

— Ҳеч хижолат бўлманг отахон. Ахир савоб ҳам керакда. Ҳозир айтаман. Истагингизни бажо келтиришади.

Отахон таомдан сўнг миннатдорчилик билдирди.

—Энди қайга борасиз?— сўради Севаркул ака ундан.

— Қайдам, балки керакли одамимни излаб топарман.

— Агар ишингиз битмай, бирор ёрдам керак бўлса, тортинманг ота, бизнинг олдимизга келаверинг. Сиздек табаррук қарияларни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Отахон дуо қила-қила ошхонани тарк этди. Ана шундан кейин биз Севаркул акага рўпара келиб мақсадимизни айтдик.

— Бизнинг соҳамизда мижозларни ўзига жалб қиладиган нарса биринчи навбатда сифат. Ундан кейин ширин сўз, озодагарчилик. Қаердаки, мана шу уч нарсага эътибор берилса ўша ер гавжум бўлади, — дея тушунтирди бизга у. — Гарчи падари бузрукворимиз Турсунқул Султонов деҳқон бўлсалар ҳам мен 12 фарзанд ичида ошпазлик касбига ихлос қўйдим. Устозим Қобил акадан шу касб сирларини ўргандим. Касб-ҳунар билим юртини тугатгач, дастлаб «Анҳор» ошхонасида, «Орзу» қаҳвахонасида, Сайилгоҳдаги ошхоналардан бирида ишладим. Энди мен ҳақимдаги гапга келсак яхшиси бу ҳақдаги сўзни хўрандалар айтгани яхши. Аслида тўғри баҳони берадиган ҳам ўшалар, камчиликларимизни ҳам баҳоли қудрат айтишади.

Дарҳақиқат, Севаркул Султоновни хўрандалар «қўли гул» ошпаз деб бежиз олқишласмас экан. Қолаверса бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Бугун у ишлаётган «Юнусобод» бозоридаги деҳқону харидор оғзидан ҳам шундай илиқ сўзларни эшитиш мумкин. Мана улардан бири Ҳайдарали Содиқов нималар деди:

— Севаркул инимиз ошни сира ҳам айнитмайди. Бу авало ошпазнинг маҳорати, ўз ишига ихлосидан. Унинг палов дамлашини бир неча бор кузатганман. Ҳамиша озодагарчиликка риоя қилади. У бошлиқ ошхонада паловдан ташқари лағмон, қовурдоқ, чучвара, кабобнинг уч хили ва европача таомлар тайёрланади.

— Ҳар ким суйган ошини ичади. Шахсан мен ўзим шу ошхонани ёқтираман. Сабаби таомлари сифатли, — дейди хўрандалардан яна бири Холида Низомова.

Бошқа мижозлардан ҳам шу каби илиқ сўзларни эшитдик.

— Бу фақат менгагина боғлиқ эмас, — дейди Севаркул ака ўзи ҳақида айтилаётган илиқ сўзларни тинглаб туриб. — Таомларнинг мазали тайёрланишида ака-ука Холмат ва Валиёр Имомалиев, Анвар Раҳимов кабиларнинг ҳам хизматлари катта. Одатда, мижознинг меҳрини қозониш қийин. Лекин ихлосини қайтариш осон. «Ошпазлик оби-оташлик», дейди халқимиз. Бизнинг вазифамиз ана шу ҳикматга қатъий амал қилишдан иборат. Биз учун энг муҳими мижозларнинг раҳмати. Улардан шу сўзни эшитган кунимиз биз учун энг яхши кун бўлади.

Мақсуд ОРИПОВ

СУРАТДА: Севаркул Султонов (ўнгда) ўз ҳамкасблари даврасида.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА

Кишилик жамиятидаги мавжуд ижтимоий муносабатлар ичида иқтисодий муносабатлар муҳим ўрин эгаллаб келган. Шу боисдан ҳар қандай иқтисодий муносабатларнинг заминида энг аввало мулкчилик муносабатлари ва мулкка эгалик масаласи ётади. Мулк масаласи муваффақиятли ҳал қилинган тузумдагина жамият иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши ва ўз фаровонлигини кутилган даражада таъминлаши мумкин бўлади.

Жамиятнинг иқтисодий негизи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятнинг иқтисодий негизлари нималардан иборатлиги ва бунда хусусий мулкнинг ўрни аниқ-равшан белгилаб қўйилганлиги эътиборга лойиқдир. Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади» деб белгиланганлиги бу соҳадаги туб ислоҳотларнинг самарасидир. Яна шунингдек, «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир» деган меъёр ҳам мустаҳкамланган. Булардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланиши фақат бозор муносабатлари тизимига асосланган тарзда амалга оширилиши, унда хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва унинг давлат ҳимоясида эканлигининг белгилаб қўйилганлиги ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг замирида давлат-ҳуқуқий ва конституциявий тузум аҳамиятига эга улкан маъно ётади. Модомики, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тизими давлатимизнинг Асосий Қонунида ўзининг легитим асосига эга экан, бу ҳолат хусусий мулк ва эркин тадбиркорлик жамиятда алоҳида мавқега эга эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида босиб ўтган нисбатан қисқа муддатли тарихий ривожланиш даври, бу хусусий мулк ҳуқуқининг ҳам шаклланиши, ҳам мустаҳкамланиши ва ривожланиши тарихи ҳамдир.

Мулкдор ушбу мол-мулкка нисбатан ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда мулкий ҳуқуқларини амалга оширади, бундай хатти-ҳаракатлар жараёнида мулкдорнинг эркин ҳаракат қила олиши ва унинг ҳуқуқлари қонун томонидан кафолатланганлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигининг илк давриданоқ бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тизимини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашнинг стратегик йўлини иқтисодий сиёсат соҳасидаги бош мақсад деб эълон қилди.

Агарда Мустақилликнинг илк даврлариданоқ кишиларда хусусий мулкнинг мавжудлигига кўникма ҳосил қилдирилган бўлса, ундан кейинги босқичларда мулкнинг давлат тасарруфидаги айрим шаклларини хусусийлаштириш жараёни бошланди. Дастлабки босқичда давлатга қарашли уй-жойлар, кичик савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, кейинчалик ўрта корхоналар хусусийлаштирилди. Давлат ўз мол-мулкининг муайян қисмини жисмоний (ёки юридик) шахсларга ўтказар экан, уларда аста-секин мулкчилик туйғуси вужудга кела бошлади.

Кейинчалик Конституциявий тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг XVI бобида хусусий мулкнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Масалан, Фуқаролик Кодексининг 207-моддасига асосан хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи сифатида белгиланди. Шунингдек, унда хусусий мулк ҳисобланган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди, деб белгиланди.

Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган хусусий мулк, асосан уларнинг манфаатлари учун хизмат қилади. Хусусий мулк объектлари турлари ва миқдорига биноан чегараланган бўлиши мумкин. Лекин бундай чеклаш ва чегаралаш фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, яъни конституциявий тузумни, ахлоқий қоидаларни, фуқароларнинг соғлигини, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидагина амалга оширилади.

Жамиятда мулкдорлар синфининг мавжудлиги, ўша жамиятнинг иқтисодий етуклигини кўрсатувчи ўзига хос кўрсаткичдир. Жамият аъзолари мулкдор, яъни муайян мол-мулкка эга бўлар экан, уларнинг иқтисодий фаровонлиги тўла таъминланишига имконият яратилган бўлади. Айни вақтда мулкдорлар синфининг мавжудлиги, жамиятдаги ижтимоий барқарорликнинг кафолати ҳам ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда 2000 йил 11 февралда қилган маърузаларида мулкчилик соҳасидаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлаган ҳолда жумладан «...Мулк шакли номигагина ўзгармоқда, тармоқ бошқарув идоралари, корхоналар маъмурияти ва раҳбарлари даражасидаги қаршилик ҳамда айрим ҳолларда мулкдорлар янги авлодининг ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги оқибатида меҳнатга муносабат ва рағбат ўзгармасдан қолмоқда. Ишимиздаги энг катта камчилик ва иллат шундан иборатки, корхоналар хусусийлаштирилгандан кейин уларни қўллаб-қувватлаш механизми яратилмаган», дея таъкидлаб ўтгандилар.

Юртбошимиз ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ йўлларини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Булардан биринчиси, энг аввало кишиларда руҳий-психологик кайфиятни ўзгартириш керак. Хусусий мулк эгаси, унинг мол-мулки қандай кўринишда бўлмасин унга нисбатан хўжайинлик, мулкдорлик туйғуси асосида муносабатда бўлиши керак.

Иккинчи масала, бу хўжалик юритувчи субъектлар ва улар билан бевосита ишлайдиган мансабдор шахсларнинг психологиясини ўзгартириш керак. Раҳбар шахс ўз ваколатларидан ғоят малакали, хушмуомалалик ва усталик билан фойдаланиши лозимлиги талаб қилинади. Унда хусусий мулкдор, тадбиркорга нисбатан ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлиш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш туйғулари бўлиши лозим.

Хусусий мулкни ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасида ҳам катта масъулият бор. Ҳуқуқи бузилган мулкдор биринчи галда уларга мурожаат қилади, ёрдам истайди, кўмак сўрайди. Бу масалада Адлия идораларида муайян ижобий тажриба тўпланган. Бугунги кунда Адлия идоралари тизимида махсус тузилмалар иш олиб бормоқда. Масалан, кўп ҳолларда Адлия идоралари ҳуқуқи бузилган мулкдор ўзига ҳимоя сўраб мурожаат этишини кутиб ўтирмайди, балки бундай жабрланувчиларни ўзи аниқлайди, топади ва улар номидан судга мурожаат қилади. Бу борада Адлия идоралари нафақат моддий зарарларни ундириш, балки маънавий зарарларнинг пул кўринишида қопланиши учун ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Эндиликдаги асосий вазифа бу фаолиятни доимий амалга оширишни йўлга қўйиш ва таъминлашдир. Шунингдек, хусусий мулкнинг мустаҳкамланишида, мулкий муносабатларнинг ривожланишида Адлия идоралари хўжалик шартномаларининг тузилиши ва ижросини кузатиб ҳамда уларни мувофиқлаштириб, услубий кўрсатмалар бериб боришлари лозим бўлади.

Хусусий мулк ҳуқуқий асосларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бундан уни тўла ўз тақомилига етган деб бўлмайди. Фуқаролик Кодексида хусусий мулкчиликнинг умумий асослари мустаҳкамлаб қўйилди, бироқ муқаддам қабул қилинган Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг бугунги кунда Фуқаролик Кодекси асосида қайта таҳририга муҳтож эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Хусусий мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга унинг масъулиятларини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Хусусий мулк эгаси ўз мулкий ваколатларини амалга ошираётганда бошқаларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиши шарт. Мулкдор бўлиш бу — мулкдан ўзбошимчалик билан давлат, жамият ва бошқа шахслар манфаатларига зид тарзда фойдаланиш дегани эмас. Хусусий мулк дахлсиз, бироқ жиноий фаолият натижасида орттирилган мол-мулк ва жиноят содир қилиш воситаси бўлган мулк дахлсиз эмас. Мулкдор буни ҳар доим ёдда тутиши шарт.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, хусусий мулк бугунги кундаги ҳаётимиздаги реал воқелик, у тадбиркорлик билан қўшилганда бунёдкор куч, фаровонлик манбаига ва тараққиёт омилига айланади. Бинобарин, хусусий мулкни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳар бир киши манфаатларига дахлдор бўлган масъулиятли вазифадир.

Акмал РАҲМОНОВ,
Тошкент давлат юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедрасининг ўқитувчиси.

ТАДБИРЛАР

NESTLEнинг совғалари топширилди

Соғлом келажак — соғлом авлод қўлида. Келажак авлоднинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлишидаги энг муҳим вазифа бу хотин-қизлар саломатлигини сақлаш. Давлатимиз томонидан «Соғлом авлод дастури»нинг яратилиши ҳам ушбу мақсадда амалга оширилганки, бу борадаги ишлар шаҳримиз туманларида яхши йўлга қўйилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани кенгашининг республикамиздаги NESTLE қўшма корхонаси билан ҳамкорликда, «Ўрда» маҳалла гузарида уюштирилган байрам шоуси ҳам юқоридаги мақсадларни кўзлаб амалга оширилди.

Унда Тошкент информация технологиялари коллежи, хотин-қизлар коллежи, 8-бизнес мактаб ўқувчи қизлари, 4-иқтисодиёт коллежи талабалари иштирок этишди. Театрлашган томошалар, соғлом авлод, соғлом ҳаётга доир фикрмулоҳазалар билдирилган саҳна кўринишлари байрам шоуга ўзгача кўрк бағишлади.

Шунингдек, шоуда ўтказилган лотерея ўйинларида бир гуруҳ талаба қизлар NESTLEнинг совғаларини қўлга киритишди.

— 140 нафарга яқин қизлар бу байрам шоуда иштирок этишиб, ўзларининг ҳар жиҳатдан билим савияларини томошабинларга намойиш қилишди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани кенгаши раиси Бунёд Йўлдошев. — Бундай ажойиб тадбирлар, албатта, туманимизнинг ҳар бир маҳалла гузарида ўтказилиши режалаштирилган. Энг асосий мақсадимиз эса иқтидорли ёшлар билан ўз сафимизни тўлдириб, фақат олға интилиш.

Орзугул РУСТАМОВА

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Бинолар қайта таъмирланмоқда

Қиш бошқа фасллардан фарқли ўлароқ алоҳида тайёргарликни тақозо этади. Шу муносабат билан шаҳримизнинг Ҳамза туманида бўлиб, бу ерда қишга тайёргарлик ишлари қандай олиб борилаётганлиги хусусида туман коммунал таъмирлаш, носозликларни тиклаш хизмати директори Олимжон Юсупов билан суҳбатлашдик.

— Ташкилотимизнинг иш бошлаганига бир йил бўлди. Бугунги кунда туманимизда 34 та уй-жой қурилиш ширкатлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Туманимизда ширкатлар таркибига кирган 757 та кўп қаватли турар жой иморатлари бор. Шуниси эътиборлики, ширкатларнинг ўз ҳудуди бўлиб, ҳар бир кўп қаватли уйларда биттадан бошқарувчилари сайланган. Уй бошқарувчининг ҳар бир хонадон эгалари билан мустаҳкам алоқалари ўрнатилганлиги қувонарли ҳол албатта. Бугунги кунда кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг тўловлари асосида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ўз-ўзидан ҳар бир одамдан, бинони асраб-авайлашни талаб қилади. Туманимизда эски кўп қаватли турар жой иморатлари кўп.

1997 йилда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятига қарашли 267 та бино туманимиз ихтиёрига ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг 461-462 сонли қарорларига мувофиқ 1991 йилгача қурилган кўп қаватли иморатларининг барчасида 2006 йилгача тўла таъмирлаш ишлари олиб борилиши керак. Қарор асосида режа тузилиб бугунги кунгача 480 та бино тубдан қайта таъмирланди. Ҳар йили 56 тадан уй қайта таъмирланаётганини таъкидлаш жоиз. Йил бошидан буён 37 та уйни таъмирлаб, 7 ноябргача таъмирлаш ишларини якунлаймиз, деган ниятдамиз.

Қишнинг қировли кунларида туманимиз аҳолисини имкониятимиз даражасида иссиқлик билан таъминлаш учун қизғин иш олиб бормоқдамиз. Аммо баъзи истеъмолчиларимизнинг тўлов ҳақларини ўз вақтида тўламаслиги ишларимизни анча орқага сурмоқда. Ахир таъмирлаш ишларига қатта маблағ сарфланиб, унинг маълум қисми ана шу тўловлар ҳисобига амалга оширилади. Туманимизда қарздорларимиз анчагина. Шундай бўлса-да бу муаммони ҳам чуқурроқ ўрганиб даромади кам оилаларга маҳалла йиғинлари орқали ёрдам бермоқдамиз.

Шаҳло ҲОШИМОВА

ТРАНСПОРТ

Йўлик самарали давом эттирилмоқда

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш йўлида кўрилаётган тадбирлар ўз ижобий самараларини бермоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган режалар ҳам тадбиркорлик билан адо этилмоқда.

Шаҳримизда бундай муҳим тадбирнинг навбатдагисига ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ойлигини яхши ўтказиш мақсадида қатор режаларни белгилаб олдилар.

Ойлик давом этаётган шу кунларда кўзда тутилган муҳим ишларнинг аксарияти тўла адо этилди. Трамвай, троллейбус ва автобус ҳайдовчилари ҳамда чипта сотувчилари билан суҳбатлар ўтказилиб, ойликнинг моҳияти тўғрисида маълумотлар берилди. Йўналишларда жадвалларга қатъий риоя қилиш лозимлиги уқтирилди. Ҳар бир бекатни микрофон орқали йўловчиларга эълон қилиш йўлга қўйилди.

Транспорт воситалари тўхтайдиган жойларга йўналиш кўрсаткичлари лотин алифбосида ёзиб қўйилди. 95 та диспетчерлик пункти янгиланган жадваллар билан таъминланди. 40 га яқин ҳайдовчи, 15 га яқин чипта сотувчилар қўшимча равишда ишга олинди.

Кўрилаётган бу каби тадбирлар ойликнинг яхши ўтишини, транспорт қатновининг бир маромда бўлишини таъминланмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқаришнинг техника масалалари ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Транспорт воситаларини сервис хизматига топширишда қатъий тартиб ўрнатилди. Айниқса «Мерседес-Бенц» автобусларига техник хизмат кўрсатишга эътибор кучайтирилди. «Тошкент татрасервис» корхонасида электр транспорти воситаларини таъмирлаш ишлари янада жадаллашди.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳам бошланиб кетди. 4-автобус саройи, 5-автокорхона, 2-трамвай депосидаги транспорт воситаларининг техник носозлигининг олдини олиш ишлари анча яхшиланди.

Электр транспортида юз берадиган узилишлар сони камайди. Энергия хўжалиги томонидан олиб борилган кузатиш ишлари ҳам ўз ижобий самарасини берди. Контакт тармоғида симларнинг узилиши, тортиш нимстанциясининг ишламай қолиши, кабелларнинг ишдан чиқиши каби ҳолатларга барҳам берилмоқда.

Транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, капитал қурилиш каби масалаларни ҳал этиш йўлида кўрилаётган тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ойлиги давомида яна қатор юмушлар амалга оширилиб, транспорт қатновининг бир маромда бўлишига эришилади.

Акбар АЛИЕВ

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

ОНА ТИЛИМ — ДАВЛАТ ТИЛИМ МИЛЛАТИМГА — САВЛАТ ТИЛИМ

Пўлат МЎМИН, Ўзбекистон халқ шоири.

Она тилим ҳақидаги юрак сўзимни «Она тилим — давлат тилим, миллатимга савлат — тилим» байти билан бошлагим келди. Чунки мен ўз тилим — ўзбек тилим — она тилимда қалам тебратаман, кўнглимда борини қоғозга тушираман ҳамиша. Бу менинг ўзлигим — ўзбеклигим нишонаси аслида.

Она тилини билимларнинг негизи ҳам деймиз. Бир катта анжуманда алломалар йиғилишиб, «Дунёда қайси дарсу фан энг биринчи?» деган баҳс кетибди. Баъзи билимдонлар чиқиб, дарсларнинг бобокалони математика деса, бошқалар ўзга фанларнинг кераклигини, биринчилигини исбот қилишибди ўзларича. Ўшанда бир олим чиқиб, асосий фан-у дарс она тили эканлигини исботлабди ва бошқалар ҳам бу хулосага тан беришибди.

Чиндан ҳам она тилини билган одам бошқа фанларни чуқур, атрофлича билади — ўрганади.

Ҳатто биз мустақил бўлмасдан олдинроқ ҳам она тилимизни давлат тили этиб, севинган эдик. Ҳар бир миллат ўз она тилида яйраб сўзлайди, ёзади, қўшиқ айтади.

Она тилининг муқаддаслиги, мўъжизалиги борасида бир ривоят эшитгандим. Бир одам ўз она тилида сўзлашмас ва ёзув-чизувларни-да билмас экан. Нима бўлибди-ю бетоб бўлиб, тилдан қолибди, сўзлолмабди ҳам. Зўр табибларнинг ҳам муолажаси кор қилмабди. У беморни бир донишмандга кўрсатишибди. Аллома кўп ўйлаб-ўйлаб, беморнинг онасини чақириб: «Унга алла айтганмисиз, сўз ўргатганмисиз?» дебди. Она эса жим қолибди, чунки боласига алла ҳам айтмаган, ўз тилида сўз ҳам ўргатмаган экан. Ўшанда аллома онага: «Ўз тилингизда сўз ўргатиб кўринг-чи», деб ўқтирибди-да кетибди. Она боласига оз-оздан бўлса-да сўз ўргата бошлабди. Мўъжизани қаранг-ки, кунлар ўтиб ҳалиги ўғил онасидан сўз ўрганиб, тили чиқа бошлабди. Кунлардан бир куни она ўғли билан ўша донишманд ҳузурига бориб, таъзим билан она тилида салом берибди.

Она тилининг мўъжизалилигини кўринг, азизлар, нақадар улуғ. Биз фарзандларимизга она тили орқали бошқа тилларнида ўргатишимиз фарз. Бир ҳикматли сўз эшитгандим: «Бир тил билган битта одам, икки тил билган иккита одам», деб. «Тил билган — эл билар» деган нақл ҳам бор.

Менинг ҳам яқинларимга айтадиган ниятим бор, биринчидан тил ўрганишда бирёқламалик бўлмаса, айниқса дунёда кенг тарқалган тилларни ўрганишимиз ўринли. Яна бир гапим, ўрганиш вақтинчалик бўлмаса, доимий бўлса, бирини ўрганиб, бири қолмаса дейман.

Яна бир истагим, она тили луғатимизни бойитишни истардим. Айни пайтда атамаларимизда чалкашликлар сезмоқдаман. «Институт»ни «олийгоҳ» дейишга ҳеч ҳожат йўқ, чунки бутун дунё «институт» деса-да, нега биз шундай демаймиз? «Олийгоҳ» сўзи ўзбекча эмаслигини билиб турибмиз-ку ахир. Ҳали айтганимдай луғат бойлигимизни ўзга тилдан мосларини олиб бойитсак ўринли бўларди, албатта.

Ҳар миллат ўз она тили билан фахрланганидай мен ҳам ўз она тилимда ёзганимдан ғурурланаман, фахрланаман.

Она тилим байтлари

Она тилим — бола тилим,
Барчага тенг берар билим.
Она тилин билмас бола,
Унинг тили бўлар ола.

Тилда она сути бордир,
Юракларда ўти бордир.
Она тилим турконадир,
Ўзбекона, шарқонадир.

Она тил ҳам бир онадир,
Маним учун ягонадир.
Она тилим зўр хазина,
Билимлари олтин зина.

Она тилим хосияти —
Билимимнинг аслияти.
Она тилим муқаддасдир,
Барча фанга асос дарсдир.

Она тилин ким билмаса,
Қила олмас асло маза.
Она сўзи қўшиқ бўлгай,
Эшитганнинг кўнгли тўлгай.

Она тилин йўқотганлар,
Ўз-ўзига ўқ отганлар.
Она тили дилдан чиқар,
Ҳатто бир сўз тоғни йиқар.

Тил билганлар тутилмагай,
Бўшашмагай — унутилмагай.
Одамларнинг бор ҳар хили,
Тил биладир энг сарҳили.

Она тили мисли олтин,
Эринмасдан билгил олдин.
Она тилин ҳар бир сўзи —
Ул миллатнинг кўрар кўзи.

Ишлатмаса она тилин,
Қон қиладир бир кун дилин.
Уни доим сақласанг соф,
Юраклардан чиқар офтоб.

Она тилда сўзлаганда
Юргандайсан кенг чаманда.
Тили чиққан ҳар бир бола:
Энг аввало дейди «она».

Оҳ, ўзимнинг ўзбек тилим,
Ёритгайсан қалб-у дилим.
Она тилдан олган меҳрим,
Асос бўлди байт-у шеърим.

ДОНОЛАР ТИЛ ҲАҚИДА

● Яхши дўст — она, яхши мамлакат — Ватан ва жонажон тил — она тилинг!

● Она тилим — жоним тилим!

● Тил одоби инсон маънавияти ва камолотида етакчи мезон ҳисобланади.

● Тил инсоннинг буюк қуролларидан бири. Ўрнида сидқидилдан ва вақтида айтилган оддийгина сўз қудратли ва енгилмас кучга айланади.

● Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва маҳзаннинг калидин сўз бил.

● Тил — тафаккур қуроли. Тилга палапартиш муносабатда бўлиш — ноаниқ, тахминан, нодуруст фикр қилиш ҳамдир.

● Тил билган — эл билади.

● Тил — юракнинг калити.

● Тилни билиш — дилни билиш.

● Тилдан қоқилишдан кўра оёқдан қоқилиш афзал.

● Сўз — борлиқдаги ҳодиса ва нарсаларнинг маъносини ифода этувчи, грамматик жиҳатдан шаклланган ва жамият аъзолари томонидан бир хил тушуниладиган, товуш шаклида ифодаланадиган мустақил ва марказий тил бирлигидир.

● Нутқ маданияти аслида адабий тил мезонлари асосидаги, нутқий фаолият, нутқий малака, нутқий кўникма бирлигидан иборат.

● Адабий тилсиз нутқ маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Адабий тил нутқ маданияти — тўғри сўзлаш ва ёзишнинг ўлчови, мезонидир.

● Ҳар бир тилнинг таянчи айни халқ оғзаки ва ёзма нутқида истифода этилувчи сўзлардан иборат бўлади.

● Ҳар бир инсон ўз она тилини ва ўз Ватанини жондан севади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.

Давлат тили бўлгач она тилимиз нафақат кундалик муомалада, балки иш юритишда, таълим-тарбияда ҳам ўз расмий мақомини мустаҳкам эгаллаши, энг муҳими, халқаро муомала тилига айланиши аста-секин амалга ошмоқда.

Мустақиллик шарофати билан тилимизга давлат тили мақоминнинг берилиши бугунги кунда барча соҳаларда иш юритиш ўзбек тилида жорий қилинишини тақозо этади. «Ўзбекистоннинг Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 7-моддасида Ўзбекистондаги барча муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш давлат тилида юритилади, деб ёзилган. 22-моддасида эса иш қоғозларининг матни ўзбек тилида бўлиши талаби қўйилган. Бугунги кунда ўзбек тилида равон, савводли, мантиқан изчил сўзлай олишгина эмас, иш қоғозларини саводли юрита билиш ҳам замон талабидир.

Ҳозирги 9-синф ўқувчилари лотин алифбосини тўлиқ ўзлаштириб чиқмоқдалар; академ-лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва муассасалардаги ўқув марказларда ҳам лотин ёзуви жадал ўрганилмоқда.

Ўзбекистоннинг келажакдаги равнақи бугунги ёш авлоднинг тўлақонли тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жамият ва миллатнинг соғломлиги, ақлий салоҳияти, маънавий қудрати оила муҳитининг қандайлиги билан белгиланади. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг комил инсон бўлиб етишиши учун қайғуриши, уни эътиқодли ва маърифатли қилиб тарбияласи лозим. Атоқли файласуфлар, педагог ва руҳшунослар боланинг тафаккурини ривожлантириш ва тарбиялаш жараёнини илмий асослаганлар. Руҳшуносларнинг илмий хулосаларига кўра 5-7 ёшли болаларнинг ахборотларни қабул қилиш, уларни хотирада сақлаб қолиш қобилиятлари жуда кучли бўлар экан.

Ҳар бир оилада ота-оналар ўз фарзандларининг ҳар томонлама ривожланишига эътибор бериб, истиқболли режа тузишлари, уларга 4-5 ёшда нималарни ўргатиши хусусида жиддий ўйлашлари зарур.

Бола зеҳни ва идрокини ўстириш 5-6 ёшгача фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир. Боланинг хотирасини ёшликдан ривожлантириш, албатта катталарга боғлиқ. Мактабга борадиган бола нутқи маълум сўз бойлигига эга бўлади. Олимларнинг кузатишларича 1-синфга келган 7 ёшли бола луғатида 1300, 1400 та сўз бўлади. Мактабга келгач, сўз бойлиги ҳар куни 15-20 тага кўпаяди.

Бошланғич синф ўқувчилари ўзбек тили ва ўқиш дарсларида тилнинг грамматик хусусиятлари маъноси ҳақида дастлабки тушунчаларни олишлари, уларни ўз нутқида қўллаш малакаларини эгаллашлари зарур. Бошланғич синф ўқувчиларига касб ҳунар атамалар ва халқ иборалари ҳақида ҳам маълумот бериш лозим, чунки бу она тили имкониятларини чуқур ҳис этиш учун замин яратади. Масалан: «Ҳунар ҳунардан унар», «Деҳқон бўлсанг шудгор қил», «Элга хизмат — олий ҳиммат» каби иборалари орқали ўқувчилар ёшликдан тилдаги гўзал, образли нутқ кўникмаларини ҳосил қилишга, бадиий асарларни тушунишга ўргатилади. Бунинг учун ўқувчиларнинг нутқий савиясини яхшилаш, ўз фикрларини баён қилишда уларни мақсадга мос сўз ва иборалардан фойдаланишга, расмлар юзасидан кичик ҳикоя тузишга ўргатиш лозим.

Кўринадики, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб тарбияланишида тил таълимининг, аввало она тилининг хизмати ва ҳиссаси беқиёсдир. Баркамоллик, ўз навбатида кишининг ширин тилида, мулойим муомаласида, ифодали нутқида ва мантиқли тафаккурида — маданиятида яққол кўринади. Бундай комил инсонлар билан бир суҳбатлашсанг, яна суҳбатлашгинг, маънавий озиқ олгинг келади. Комил инсонлар сўзга бой — сўзамол, нотиқ, эркин фикрловчи бўладилар.

Комиллик юксак маънавият ва маърифат, сўзга бойлик — сўзамоллик, нотиқлик, илғор маориф ва маданият соҳиби бўлиш билан белгиланади: комиллик ва баркамолликка она тили воситасида эришилади.

Марям САИДМУРОТОВА, Миробод туманидаги 31-ўрта мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси.

Комиллик ва баркамоллик гарови

Ўзбекистонда давлат тили — ўзбек тилидир. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб алоҳида кўрсатилган ва қонун билан кафолатланган.

МУЛОҲАЗА

Атроф-муҳит, оқар сувларимиз мусаффоми?

Дам олиш кунлари тоғ ёнбағрига чиқиб, чор-атрофга назар ташласангиз, азим Тошкентимиз худди сарғиш туман ўрамида қолгандек кўзингизга хира кўринади. Тоғ ёнбағирлари, чўққилардан оқиб тушаётган сув тоза, ҳаво беғубор, ундан тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Ҳавони сипқорганингиз сари танангиз яйрайди. Кўнглингиз чоғ бўлиб, тоғ бағрини сархуш бўлиб кезишдан ҳоримайсиз.

Она шаҳримизда-чи? Аҳвол бутунлай бошқача, манзара ҳам ўзгача. Юқорида сарғиш туман деганимизда, автомашиналар, турли саноат корхоналаридан чиқаётган заҳарли тутунларни назарда тутган эдик. Уларнинг инсон соғлигига салбий таъсир этиши табиийдир.

Табиат — она, биз эса унинг боласимиз. Шундай экан, наҳотки ўзимиз яшаб, нафас олиб турган ҳудудимизнинг табиати тоза, ҳавоси мўътадил, атроф-муҳитимизни эса покиза бўлишига эриша олмасак?

...Ерга урса осмонга сапчийдиган болалик кезларим эди. Тенгқур ўртоқларим билан маҳалламиз ҳудудидан ўтадиган Кайковус ариғи ёнида роса «ҳаммомпиш» ўйнаб, ўзимизни сувга отдик. Масза қилиб чўмилгач, ерга ётиб, баданимизни офтобга тобладик. Баданимиз қизигач, яна ариққа калла ташладик. Бир чўмилиб чиққач, тол тагидаги салқин жойга ўтирдик. Олдимиздаги майда тошлар, хас-чўпларни ўйин қилиб сувга отаётган пайтимизда рўпарамизга мўйсафид Аббос ота келиб қолганини сезмай қолибмиз.

— Ҳой, зумрашалар, бу нима қилиқ! Ҳозир тўйиб ичган сувни нега ифлос қиласизлар? — дедилар отахон. — Ахир бу сув Оллоҳнинг ўз бандасига инъом этган буюк неъматику! Уни ифлос қилиш Яратганнинг юзига оёқ қўйиш билан баробардир. Бас қилинглар. Бу қилмишларингиз иккинчи маротаба такрорланмасин. Тушундингизми?!

Ана шу воқеага ҳам салкам 50 йил бўлибди. Яқинда бетоб дўстимни кўргани кетаётиб, антиқа ҳолатнинг шоҳиди бўлдим. Аньанага кўра, юртимизга баҳор ташриф буюриши билан, очиқроғи март ойининг бошида «Озодалик ойлиги» бошланади. Ана шу кезда ҳашардаги ёш йигитлар (манзилини аниқ айтишни лозим топмадик, гап эгасини топар) ахлатларни замбилғалтакларга солиб, сал нарига тўплагани олиб кетишаётган эди. Шунда ўрта ёшлардаги башанг кийинган бир кимса тўсатдан:

— Нима қиласанлар, ишни кўпайтириб, ҳали ахлат ташийдиган машина қачон келади. Ариққа ташлаб юборинглар, сув оқизиб кетади, — деб танбеҳ бергандай бўлди. Йигитлар у ёқ, бу ёққа қарашди. Маҳалла оқсоқоли, кекса отахонлар шу атрофда йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, ҳалиги амакининг айтганини қилишди. Тўхтанглар, нима қиласизлар ахир, дейишга ҳам улгуролмай қолдим.

Ота-боболаримиз «Сувга туфлашнинг ўзи катта гуноҳ» деганлари ёдимга тушди-да, босиқлик билан «яхши иш қилмадинглар, йигитлар», дедим. Ҳалиги буйруқ берган киши эса, «Ие, яна бир раҳбар келдими-а. Бор, тошингни тер, ўз маҳалланга бориб насиҳат қил», дея жеркиб ташлади.

Йиллар шунчалар шиддаткорми? Биздаги одоб-ахлоқни бутун дунё ўрганса арзирди-ку? Одамларнинг онгига шунчалар тез ғубор ўтиришими? Бир томчи сувни покиза сақлаб, авайлаган аждодларимиз удуми шунчалик тез унутилдими? Пойтахтимиздаги аксарият бетон ариқлардан сув оқмайди. Оқадиганлари озчиликни ташкил этади. Чунончи, Абдурахмонов ва Сағбон кўчаларидаги айрим бетон ариқчалардаги оқава сувларни кўриб кўнгли айнайди, кишининг. Вой-бў, нималар ташланмаган уларнинг ичига. Худди шундай манзарани Шайхонтоҳур туманидаги Усмон Юсупов кўчаси атрофларида ҳам учратиш мумкин. Бу ерда ҳашар кетаётган пайтда туман ободонлаштириш бўлими бош муҳандиси Маҳмуджон Юсупов билан мулоқотда бўлдик.

— Аслида бизнинг вазифамизга турфа гуллар, манзарали дарахтлар экиб, улар ривожланганда шакл бериб туриш ишлари киради, — дейди куюниб суҳбатдошимиз. — Анави анҳор ёнидаги эски каравотларнинг занглаган бўлаклари билан ўралиб, қайсидир «тадбиркор»нинг қўйлари боқилаётган майдонча атрофини ва бетон плиталар ёнидаги ахлат ҳамда бетон ариқчалардаги чиқиндилар уюмларини «Махсустранс» бошқармаси ишчилари тозалашлари керак. Мана, бугун биз бу жойларни тозалаб кетамиз. Лекин ким кафолат беради, бир неча кундан кейин бу ерларда яна ахлат, чиқинди уюмларининг бўлмаслигига. Фаррошлар эса жонларини койитмайдилар. Турли чиқиндиларни шундайгина ёнларидаги бетон ариқчаларга супуриб ташлайдилар. Ёнгинагарчилик кезлари баҳарнов. Лекин жазирама иссиқ пайтида бу чиқиндилардан чиқаётган ёқимсиз ҳид, турли зарарли микроблар йўловчиларга салбий таъсир этиб, турли хил юқумли касалликларни келтириб чиқариши табиийдир. Буни қаранг-ки, шу суҳбатнинг эртаси куни йўлим айнан шу кўчага тушиб қолди. Автобус кутиб, бекатда турган ўрта ёшлардаги йўловчини суҳбатга тортдим.

— Кечирасиз, шу атрофда турасизми?

— Ҳа, нима эди?

— Кечагина анави ахлатхонани тозалаб кетишган эди. Куппа-кундуз бўлишига қарамай, яна турли чиқиндилар тўпланиб қолибди.

— Эй, нимасини айтасиз, жўра. Неча марталаб жарима тўлашларига қарамай беғамлар ўз ҳудудларини шу ахволга келтиряптилар. Мана бунисига нима дейсиз? Ҳамроҳим шундай дея чиқиндилар уюми олдига келиб тўхтаган янги енгил машинага ишора қилди. Шу пайт машинадан туппа-тузук кийинган икки йигит тушди-да, орқа юкхонадан қора ва кўк салафан қопларни олиб, чиқиндилар устига ирғитишди. Соат кундуз ўн бирга яқин эди...

Суҳбатимизга автобус кутиб зериккан, соқоллари ўзига ярашган отахон қўшилди.

— Исми-фамилиям Тоживой Ҳожибоев. Уруш ва меҳнат фахрийсиман. Илгарилари бундай эмасди. Одамларимиздан инсоф, диёнат кўтарилаяптими? Куппа-кундуз куни ахлат ташласа-я?! Мен Юнусобод тумани, 19-даҳа, 5-уйда истиқомат қиламан. Агар юрсанг пиёда, умринг бўлур зиёда, деган нақлга амал қилиб, шаҳар кезишни хуш кўраман. Бир куни Эски шаҳардан қариндошимни кўриб қайтаётиб, зилол сувли бironта ариқни учратмадим. Оти бор-у, ўзи йўқ, уларнинг. Қўлингизни чаймоқчи бўлсангиз, лоақал бир хўплам сув тополмайсиз. Ҳайрият, ёмғир ёғиб туради. Бўлмаса катта йўлнинг икки бетидаги бетон ариқчалар сув нималигини билмай ўтармиди?!

Ҳа, азиз ҳамшаҳарлар. Бунинг ҳаммаси бизнинг ўта лоқайдлигимиз «мева»сидир. Ўзимиз яшаб, нафас олиб турган ҳудудимиздаги ариқлар ичини тоза сақласак садағамиз кетадими? Молхона, мағзава сувларини, турли шиша идишлар, суяклар билан ифлосланган сувларни анҳорларга буриб юбормайлик, ахир. Бу ишларимизни келажак авлод кечирмайди. Келинг, бир ёқадан бош чиқариб, покизалик, озодагарчиликка эътибор берайлик, анҳорларимиздаги сувлар зилол бўлмоғига эришайлик. Бу эса ҳар биримиз: ёшу қаринг виждоний бурчидир.

Исабой МАРКАБОЕВ

САҲОВАТ

Юнусобод туманидаги «КРИДИ» — ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш» жамияти Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган тадбир ўтказди.

— Ногирон болаларни муҳофаза қилиш, улар соғлиғини яхшилаш ҳамда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича «КРИДИ» кенг фаолият олиб боради, — дейди ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамияти раиси Феруза Восиқова, — жамиятимиз турли хил корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар билан ҳамкорликда иш юритади. Асосий мақсадимиз — меҳрга, қўмакка ташна болажонларга нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, балки уларга маънавий озиқ бериш, меҳр-мурувват улашиш ҳамдир. «КРИДИ»да шу мақсадда тўгараклар ташкил қилинган, ўқув-дарс машғулотлари ҳамда турли хил хайрия тадбирлари бот-бот ўтказилиб турилади. Ана шундай тадбирлардан бири Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 494-боғча ҳовлисида «КРИДИ»нинг 500 нафар аъзолари ҳамда турли маҳаллалардан таклиф қилинган қариялар иштирокида бўлиб ўтди. Ушбу хайрия тадбирига Юнусобод туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Болалар таомлари холдинг» компанияси, республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Германия ва Малайзия элчихоналари вакиллари ва бошқалар ҳам ташриф буюриб, ўз совғалари билан қариялар ва ногирон болаларни хушнуд этишди. Жумладан Жанубий Кореянинг «Ёнгра» хайрия жамғармаси ва Германия элчихонасидан тақдим этилган ногиронлар аравачалари, хусусий тадбиркор Оқилжон Ҳожиматов ҳадя этган мультатич ва «Ўзбегим шарлари» хусусий корхонасининг махсус совғалари болажонлар кўнглини хушнуд этди. Республика ички ишлар вазирлиги ҳамда чегара қўшинлари қошидаги ансамблар ўз куй-қўшиқлари, наволари билан кечанинг файзли ўтишига ҳисса қўшишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ, Фозила ТОШПЎЛАТОВА.

Максадимиз — кўмаклашиш

Ўз-ўзи ўрганиб дono бўлур...

● Ҳар ким ақл-идрокка эга бўлиб, илму ҳунар ўрганишга интилса у ўз орзусига етади.

● Истеъдод, ақл-идрок эса икки хилдир: бири — табиий, яъни онадан туғма бўлиб, иккинчиси — касбий, яъни тажриба воситаси билан эришилган бўлади.

● Дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса бордир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ — ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё, олийжаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ — қаноатга; тўғрилик, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши ҳосиятли бўлмоқ — адолатга тегишлидир.

ҲИКОЯТ. Ҳимматли ва мурувватли бир одам ўз боғига ёру дўстларини даъват қилиб зиёфат берди. У кишининг гўзал, ахлоқли, тарбияли бир ўғли бор эди. У кечгача меҳмонлар хизматида бўлиб, жуда чарчади. Кечқурун уйга кириб ухлаб, дам олиш учун болохонага чиққан эди, у ердан пастга йиқилиб тушиб дарҳол вафот қилди. Ота бечора бу қайғули ҳолни кўриб, юрак-бағри эзилди, кўзига ёш олиб, ўғлига келган фалокатни хотинига ва оила аъзоларига секингина хабар бериб:

— Ҳеч қайсингиз товуш чиқариб йиғламанг, ўғлимнинг вафот қилганини меҳмонлар сезмасин, — деб таъкидлади.

Меҳмонларга сездирмасдан марҳум ўғлини ювдириб, кафанлатиб қўйди. Кейин меҳмонлар ёнига чиқиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирди. Ўғлининг вафотидан меҳмонлар хабарсиз эдилар. «Ўғлингиз қаерда, нега кўринмайди?» деб сўрадилар. Ота бечора: «Ўғлим хизмат қилиб, жуда чарчаган бўлса керак, мириқиб ухлаб ётибди», деб жавоб берди. Ўша куни кечаси меҳмонлар мурувватли кишининг боғида тунадилар. Эртаси кун эрталаб чойдан сўнг улар кетишга рухсат сўраган эдилар, ота бечора кўзига ёш олиб:

— Дўстларим, ўғлим кеча кечқурун болохонадан йиқилиб вафот қилди, кайфиятингизни бузмаслик учун сизларга хабар бермадим, — ўғлимнинг жанозасига сизларнинг ҳам иштирок этишингизни ўтинаман, — деди.

Меҳмонлар бу фожиали ҳолдан хабардор бўлиб ҳаммалари йиғладилар, дарҳол ўринларидан туриб у кишига қарашдилар.

Байт:
Адаб бозорига кирсанг баякбор,
Энг яхши хулқ учун бўлгин харидор.
Адаб бўлса сенинг аввал сўроғин,
Тамомий илм ила тўлғай қулоғинг.

● Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан.

● Сукут — саломатликни, яхшилик — иззат ва обрўни, сахийлик — улуғликни келтиради.

● Ота-она болани дунёга келтирганликлари учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовор бўладилар.

● Олимлардан Рифъат ибн Исмоил айтади:

— Болаларингизни чет кишилар ёнида уришиб, таъзирини берманг, меҳмондорчиликка чақирсалар, болаларингизни бирга олиб борманг. Уйингизга меҳмонлар келса, ёш болаларингизни улар ёнида ўтказиб, дастурхонга қўл узаттирманг, чет кишилар ёнида оилангиздан шикоят қилманг. Мунофиқона равишда бошқаларни камситиб, сизнинг ақл ва ҳаракатингизни мақтаган риёкор мунофиқларнинг сўзларига учманг. Болаларингизга бирор хизмат буюрар экансиз, яхши сўзлар айтиб, мулойимлик билан буюринг. Мағрур, мутакаббир ва аччиқ сўзли бўлманг. Оилангиз ва дўстларингизга ўзингизни севдиринг.

Байт:
Ота-онангни ўзингдан рози қил,
Сен уларнинг қадрини кўп яхши бил.
Ол дуосин уларнинг, топ камол,
Ёр бўлғай бахти иқбол безавол.

● Маданиятли оилада ўсган бола гўзал сифатга эга бўлади.

ҲИКОЯТ. Бир куни Бағдод шаҳри кўчаларининг бирида болалар ўйин билан машғул эдилар. Тасодифан халқ қошида обрў ва эътиборга эга бўлган бир қари одам отга миниб, ўша кўчадан ўта бошлади. Уйнаб турган болалардан бири чолнинг келаётганини кўриб, четроқ жойга чиқиб турди. Қари киши етиб келгач, қўл қовуштириб салом берди. Бошқа болалар эса чолга эътибор бермай ўйинда машғул бўлдилар.

Чол бу боланинг оқилона ҳаракатидан завқланди. У болаларнинг одобини синаш учун улар ёнига келиб қўлидаги узукни уларнинг ўртасига ташлади.

— Қайси бирингиз узугимни қўлимга олиб берсангиз, китоб-дафтар олиш учун пул бераман, — деди.

Болалар бир-бирларига билан уришиб узукка ёпирилдилар. Ниҳоят, бир бола чаққонлик билан узукни олиб чолнинг қўлига берди. Салом берган бола эса узукни олиш учун қилган ҳаракатларга қўшилмай ўз жойида турарди. Чол у боланинг ҳолига диққат қилиб турарди. Бу дафъа узукни унинг ёнига ташлади. Бола дарҳол узукни ердан олиб артди. Чолга таъзим қилиб унинг қўлига берди. Чол у боланинг одоб, тарбиясидан завқ-шавққа тўлиб, таҳсин-офарин айтди. Кейин ёнидан пул чиқариб, болаларга:

— Хайр, болаларим, энди мен кетаман. Мана бу пулларга китоб, дафтар, қалам олинг, — деб пулни ҳалиги одобли боланинг қўлига берди.

Байт:
Ҳар кишининг дунёда ороми жони — тарбият,
Бахту иқболу саодатнинг макони — тарбият.
Эй оталар, жонларингиздан азиз фарзандингиз,
Ғайрат айланг ўтмасин вақту замони тарбият.

● Ёғочни теша билан йўнсанг, теша пайраҳани фақат ўз томонига тўплайди, бир пайраҳани ҳам ташқарига чиқармайди. Рандаласанг, ранда қириндиларни ташқарига чиқариб юборади, ўз томонида бирорта қиринди қолдирмайди. Арраласанг, арра ҳар икки томонга баравар қипиқ тўкади. Турмушда теша каби бахил бўлиб, фақат ўз манфаатингнигина ўйлама, бошқаларга ҳам ёрдам бер. Агар бор-йўғингни бошқаларга сарф қилиб, натижада ўзинг муҳтожликда қолсанг, ранда ишини қилган бўласан. Энг яхшиси арра каби иш тут, ўзингга ҳам бўлсин, бошқа кишиларга ҳам ёрдаминг, фойданг тегсин.

● Ножинс кишининг зарар етказишини ўйламай, у билан дўстлашиб, суҳбатдош бўлган одам, охири ғам-ҳасратга гирифтор бўлади.

● Ишда мартабангиз қанча юқориланса, қобилият ва лаёқатингизни ҳам шунча оширинг, бўлмаса пушаймон қиласиз.

● Баъзи ёши улғайган одамлар ёшларнинг йўлига ғов бўлишни ўзларига одат қилиб оладилар. Бундай одамлар ёнларидаги ёш ниҳолларнинг ўсиб-унишига халақит берадиган қари, мевадан қолган дарахтларга ўхшайдилар.

● Бир хотин эри вафот қилгандан кейин бошқа бир кишига турмушга чиқди. Ҳар куни у кейинги эрига вафот топган эрини мақтаб:

— Сиздан олдинги эримнинг вафоти сабабли кўнглимда ҳосил бўлган қайғу-аламни қандай қилиб унутишимни билмайман, ҳамма вақт уни эслашдан ўзимни тия олмайман, — деб хасрат қиларди.

Кейинги эри хотиннинг аввалги эрини ҳар куни таъриф-тавсиф қилганини эшита бериб, безор бўлди.

● Чинакам бахтиёр бўлиш учун қуйидаги хислатлар лозим: илмдан орттирилган фазилат, ташқи кўринишдан топилган ҳақиқат, ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор, молу мулкдан зиёда саломатлик.

● Улуғлик сармояси насл ва касб билан эмас, балки ақл ва одоб биландир.

● Умрнинг сўнгги пайтларида инсон дучор бўладиган мусибатлардан бириси — сочларнинг оқариши, иккинчиси — тишларнинг тушиши ва энг оғири эса истиқбол умидининг йўқолишидир.

● Ҳирс ва очкўзлик занжирига боғланган бўйин пушаймонлик тиғи билан кесилади.

● Содда ва табиий ҳолда умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради.

● Меҳнатдан қочиш хору зорлик билан натижаланади.

● Беш нарса ақлли одам хислати: қўлдан кетган нарсага ачиниб ўтирмаслик, меҳнатдан қўрқмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлдан келмаган ишга киришмаслик ва хоҳлаган нарсаси қўлга кирмаганига қайғурмаслик.

Оқил эрсанг сабр айлаб ҳар замон,
Қилма синган ҳам тўкилганга фиғон.

Шу кунларда шаҳримизнинг барча мудофаа бўлимлари ҳарбий хизматга чақирилаётган ўғлонлар билан гавжум. Улар Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўташ учун хизматга отланишган. Биз куни кеча бир гуруҳ бўлғуси Ватан посбонларининг кузатув маросимида иштирок этдик.

Майдонда саф тортиб турган йигитларнинг кайфиятлари кўтаринки, кўзлари чақнаб турибди. Улар ўз йигитлик бурчларини адо этишга отланганларидан юракдан фахрланмоқдалар, яқинларига, ука-ю сингилларига акаларча насиҳат қилиб, ўзларини катталар сафига қўшилганларидан хурсанд эканликларини яширмаяптилар. Айниқса мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ўқиб алоқачи, ҳайдовчи каби қатор мутахассисликларни ўрганган йигитларнинг қадамлари шаҳдам, дадил.

Йигитларни ҳарбий хизматга кузатишга экан, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи Анатолий Сильченко, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва бир гуруҳ ота-оналар она Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги йўлида хизматга отланган ўғлонларга миллатимизнинг фахри, шоншавкати бўлган буюк аждодларимизга муносиб издош бўлишга, ҳар қандай вақтда ҳам қасамёдига содиқ бўлган мард, жасур йигитлар қаторидан ўрин олишларига ишонч билдирдилар. Хизматларида омад ва ой бориб омон қайтишларини тиладилар.

Барча чақирилувчиларга шаҳар ва туманлар мудофаа бўлимлари томонидан хизматда биринчи навбатда керак бўладиган совға-саломлар топширилди.

— Йигитларимиз хизматга жўнашади, биз эса ота-оналар олдида уларнинг соғ-омон хизматни ўтаб келишлари учун масъулмиз, — дейди Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Анатолий Сильченко. — Шунинг учун ҳам совғалар ичида дафтар, ручка, хатжилдлар борки, йигитлар биринчи навбатда ота-оналарига тез-тез хат ёзиб, ўз саломатликлари, ишлари ҳақида хабарлашиб турсинлар.

— Мен хизматга ўз хоҳишим билан кетяпман, — дейди биз билан суҳбатда Ҳамза тумани, Ҳуснобод кўчаси, 18-уйда истиқомат қилувчи Шерзод Тошпўлатов. — Шу кунгача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида алоқачи мутахассислиги бўйича ўқидим. Ниятим она-Ватанимга хизмат қилиш. Юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги йўлида ўзимнинг бор билимим ва куч-ғайратимни сарфлайман.

Худди шундай эзгу ниятларни ўз йигитлик бурчини ўташга тайёр турган барча йигитлар билдиришди. Уларнинг ўктам ва дадил овозлари Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини қўриқлаш мард ўғлонлар қўлида эканлигига кишини ишонтиради.

Шу куни ўз фарзандлари ва яқинларининг йигит бўлиб қаторга қўшилганидан ҳаяжонда бўлган, уларга оқ йўл тилаш учун келган ота-оналар, бувию- буваларни, ака-укаларнинг ҳам дил сўзларини ёзиб олдик.

Шаҳри ая УСМОНОВА:

— Мен набирам Шерзоднинг катта йигит бўлиб қолгани ва Қуролли Кучлар сафига чақирилганини эшитганимда ҳаяжондан сўз тополмай қолдим. Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, болаларимиз хизматни аъло даражада ўтаб, ёруғ юз билан бағримизга қайтишини Оллоҳдан сўраб қоламан.

Ўткир ҚОСИМОВ:

— Ҳарбий хизматга тўртинчи ўғлимни жўнатяпман. Кенжа ўғил бўлгани учун Ботиржон сал эркароқ. Лекин ўзи албатта Қуролли Кучлар сафларига бораман деб «Ватанпарвар»да ўқиб, касб эгаллади. Мен ўғлим билан фахрланаман. Мустақил юртимизда ҳамиша тинчлик бўлишини, фарзандларимиз соғ-омон, ёруғ юз билан бағримизга қайтишини тилайман.

Ой бориб омон қайтинг, юртининг, элининг, ота-оналарининг ишонган тоғлари, умид юлдузлари бўлган азиз ўғлонлар!

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчларини адо этишга отланган мард ўғлонлар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

КУЗГИ ЧАҚИРИҚ

Ой бориб, омон қайтинг, ўғлонлар



НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

21 октябрдан 27 октябргача

● Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Осмондаги болалар» бадиий фильми намойиш қилинади. Асар муаллифи ҳамда режиссёри Зулфиқор Мусоқов. Томоша катта залда соат 11, 13, 15, 19 да бошланади.

Кичик залда эса Американинг «Форсаж» номли бадиий фильми намойиш этилади. Фильм соат 12, 14, 16 ва 18 да бошланади.

● Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида Ҳолиқ Хурсандовнинг «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектакли қўйилади. Томоша соат 15 ва 18 да бошланади.

22 октябрда:

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Усмон Азимов асари — «Бир қадам йўл» спектакли уч кун давомида намойиш этилади. Бош ролларни Ўзбекистон халқ артистлари П. Саидқосимов, Э. Комилов, Т. Мўминов ва бошқалар ижро этишган. Спектакль соат 18 да бошланади.

● Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрида Исфандиёр асари — «Отасининг қизи» спектакли кўрсатилади. Икки пардали ушбу комедия соат 14 да бошланади.

23 октябрда:

● Республика ёш томошабинлар театрида Жўра Маҳмуд асари асосида саҳналаштирилган «Осмондан тушган танга» болалар учун эртак-спектакль намойиш қилинади. Томоша соат 11 да бошланади.

● «Илҳом» ёшлар театрида И. Елагин асари бўлмиш «Мадмуазель Таржи портрети» спектакли намойиш этилади. Томоша соат 18^{30} да бошланади.

24 октябрда:

● Ўзбекистон амалий санъат музейида Ўзбекистон тарихи Давлат музейи заҳирасидан олинган «Болалигим — подшолигим» деб номланган XIX аср охири ва кейинги даврларда болалар томонидан ясалган ўзбек миллий ўйинчоқ ва кўғирчоқларнинг кўргазмаси ҳамда санъатшунос А. Ревеснинг театр кийимлари эскизи расмларининг кўргазмаси давом этади.

● Шаҳримиздаги Киночилар уйида Хайрулла Эргашев асари асосида суратга олинган «Аёлнинг бир мақри» бадиий фильми намойиш этилмоқда. Бош ролни каскадёр Йўлчи Ортиқов ижро этган. Фильм соат 14, 16, 18 да бошланади.

25 октябрда:

●Тошкент Давлат циркида болаларнинг таътил кунларига бағишланган томошалар — Зарипов рахбарлигидаги чавандозлар, ўргатилган қучуклар, Хитой фестивалида иштирок этган ўзбек масхарабозларининг чиқишлари бўлади. Томошалар шанба, якшанба кунлари соат 12, 15, 18 да бошланади.

● Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида «Диёнатга хиёнат» спектакли намойиш этилади. Томоша соат 15 да бошланади.

26 октябрда:

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Эркин Хушвақтов асари асосида саҳналаштирилган «Чимилдиқ» спектакли намойиш қилинади. Спектакль соат 18 да бошланади.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида фарғоналик мўйқалам усталари томонидан ишланган суратлар кўргазмаси намойиш этилади.

27 октябрда:

● Республика Кўғирчоқ театрида болажонлар «Олтин калитча» эртагини соат 11 ва 13 да томоша қилишлари мумкин.

Куни кеча пойтахтимиздаги гўзал кошоналардан бири — Темурийлар тарихи Давлат музейида ушбу осори атиқалар хазинасининг ташкил топганига олти йил тўлиши муносабати билан «Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, мулоҳазалар» мавзуида республика миқёсидаги илмий анжуман ҳамда «Тариҳимиз бадиий саҳифаларда» деб номланган давра суҳбати ўтказилди.

Тарихимиз бадиий саҳифаларда

Мазкур анжуманда республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика «Ўзбекмузей» жамғармаси ва республика ёш саёҳатчи ўлкашунослар маркази ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи томонидан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давлат тарихи билан шуғулланувчи тарихчи олимлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, мутахассис музейшунослар, Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент Давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар ҳамда Юнусобод туманидаги мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўзбек давлатчилиги тарихини кенг миқёсда, жумладан Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Ўтказилган анжуман ҳам шу йўлда олиб борилаётган ишлардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Давра суҳбатида юртимизнинг таниқли олимларининг қизиқарли маърузалари тингланди ҳамда келажакда илмий маъруза матнларини алоҳида тўплам шаклида чоп этиб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш режалаштирилди.

Шу куни республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, республика «Маҳалла» жамғармаси ва республика «Ўзбекмузей» жамғармалари томонидан тайёрланган «Кўли гул халқим» номли кўргазмасининг намойиш этилиши тадбирга янада кўрк бағишлади.

Мазкур тадбирга Ўзбеистон Республикаси Қуролли кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари, гўзал раққосаларнинг хиромари ҳамда санъат ғунчаларининг чиқишлари ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади.

Муҳаббат УМАРБЕКОВА

Давлат Божхона қўмитаси мебеллар (шкаф-витрина, кийим шкафи, бар бурчаги ва телефон тумбаси) харид қилиш учун ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60

Коммутатор: 120-76-00

ички: 26-11. 26-08

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

Ўз касбининг заҳматкаши

У ўзининг хонасига кирдию хаёлга ботди: «Жамиятимизга янгича фикрлайдиган одамлар зарур. Назаримда миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлгани дуруст. Чунки, ҳар қандай халқнинг улуғлиги унинг сони билан эмас, балки маънавий қадриятлари билан белгиланиши табиий».

Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Яссавий, Қошғарий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий... эҳ-ҳе санаб адоғига етиш қийин. Ёки ўша қийин замонларда ҳурликни қўмсаб, юртимизда истиқлол куёши порлашини орзу қилганлар кам-бўлганми? Айбсиз қатағон қилинганларчи? Ёки Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон кабиларни ҳурлик истаб жон беришгани кимни қизиқтирмайди. Булар ҳаммаси ўзимизнинг, ўзбегимнинг тарихи экани билан фахрланмай бўладими».

У ана шундай кўтаринки кайфиятда, ғурур билан Ўзбекистон тарихи ҳақида навбатдаги дарсини ўтиш учун синфхонага юзланди. Шундай, тошкентлик оддий тарих ўқитувчиси миллий истиқлол мафкурасини ёшлар дилига сингдиришга саъй-ҳаракат қилмоқда. Бу билан мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш, соғлом авлодни тарбиялаш ишига ҳисса қўшмоқда. Муҳримжон Тожибоевнинг меҳнатлари зое кетмаган. У «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси». 34-ўрта мактабда узоқ йиллардан бери тарихдан дарс бериб, ёшларнинг эъзозли устозига айланган. Бу инсоннинг бирдан-бир нияти юртимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишида ҳиссадор бўлишдир. У ўз касбини, айниқса ихлос қўйган тарих фанини ёқтиради. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга равон тилда тушунарли қилиб, далиллар асосида қизиқарли ва мароқли сўзлашга интилади. Унинг ёдида Бухорийга хос бир ҳадис: «Ҳаёт тарозусига қўйилган энг азиз нарса покиза ва гўзал инсоний аҳлоқдир».

— Муҳримжон ака билан ҳар гал суҳбатлашганимда эсда қоларли ва таъсирли бирон ривоятни эшитаманки, бундай ҳикоя менинг ҳаётимда ҳам ўзига хос из қолдиради, — дейди мактаб директори Назирахон Маликова. — Бу киши болаларга фақат дарс бериш билан қифояланмайдилар, балки ёшлардек ташаббус билан ташкилотчилик ҳам қиладилар. Турли кеча ва учрашувларда фаол қатнашадилар. Хусусан, Амир Темур, Алишер Навоий ҳамда Бобурларга бағишланган тадбирлар мактаб ёшларида унутилмас таассурот қолдирди.

Ҳа, тарих фани ўқитувчиси Муҳримжон Тожибоев ёшларнинг севимли мураббийларидан бири. У ҳар гал навбатдаги дарсини буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг «Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар» деган ҳикматини кўздан кечириш билан бошлайди.

Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Меҳрибон оталар

Насл учун қайғуриш одатда урғочи ҳайвонларга хос хусусият, лекин бақаларнинг шундай турлари борки, уларда бундай вазифани эркак бақалар бажаради.

Суринам қурбақаси сувга оталанган увилдириқларини ташлаётганида эркак қурбақа ёрдамга келади, яъни сувдаги тухумларни тутиб олиб урғочи бақанинг елкасига жойлаштиради. Ҳар бир тухум атрофида бақа териси бўртиб уни деярли ўраб олади, гўё ҳар бир тухум алоҳида халтача ичида жойлашганга ўхшайди.

Павитуха ёки акушерка деган эркак қурбақанинг вазифаси янада масъулиятли. Бундай масъулият унинг бажарадиган ишига мос келади. Урғочи қурбақа сувга тухум ташлаганида, эркак қурбақа унинг орқа томонига ўтиб сувга тушган занжирсимон увилдириқлар тасмасини ўзининг орқа томонига ўрай бошлайди, сўнг қурбақа қуруқликка чиқади ва тухумдан жажжи болалари чиқишини кутади, бу жараён 15-18 кун давом этади.

Австралияда қурбақанинг антика бир тури топилган. Қизиғи шундаки, унинг урғочиси ўз тухумини одатдагидек сувга ташламасдан балки ўз ошқозонида сақлайди, қирқ кундан сўнг тирик итбалиқларни оғзидан чиқариб ташлайди. Ана шу муддат ичида улар озиқланмайди.

Америкада шундай қурбақа тури борки, унинг эркагида бола очадиган халтачаси бўлиб, у жониворнинг кўкрагида жойлашган. Эркаги ана шу халтачага оталанган тухумларни тўплайди-да, улар итбалиққа айлангунча халтачасида олиб юради.

Чили мамлакатида яшайдиган қурбақалардан бирининг эркагида томоқ йўли иккита қопчиққа очилади, бири ҳақиқий ошқозон бўлса, иккинчиси товуш чиқарадиган халтача — резанатор ҳисобланади, урчиш даври бошланганда эркаги сайрай бошлайди. Мазкур қопчиқ даставвал резонатор вазифасини бажарса, кейинчалик бола очадиган халта вазифасини ўтайди. Урғочиси увилдиригини сувга ташлаш билан эркаги тухумларни ютиб юборади. Томоқ йўлидаги тухумлар ошқозонга эмас, товуш халтачасига тушади, натижада у дўмбира бўлиб шишиб кетади. Ёш қурбақалар пайдо бўлганидан сўнг ҳам меҳрибон отаси болаларини ўзи билан бирга олиб юради. Ёш қурбақалар мустақил ҳаётга ўтмагунча улар ўзларининг жонли бешигини тарк этмайдилар.

Кобра одамни гипноз қиладими?

Мутахассис эмас кишилар орасида илонлар ҳақида, уларнинг ҳаёт тарзи, хулқ-атвори тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлганлар тез-тез учраб туради. Бунинг асосий сабабларидан бири илонларнинг одамларни кўзига камдан-кам кўриниши, яъни уларни яширинча ҳаёт кечириши билан боғлиқ. Бу эса одамлар онгида турли хил нотўғри тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Масалан, илон билан қурбақа орасидаги муносабатга келсак илон қурбақани кўргач бир лаҳзада уни сеҳрлаб қўяди ва боши айланиб қолган бақани ўз домига тортиб ютиб юборади, деган тушунча кенг тарқалган. Баъзи бировлар кобра билан қурбақа ўртасида содир бўлган ана шундай ҳодисанинг гувоҳи бўлганлигини сўзлаб беради. Одатда бундай воқеани кишилар ўта ҳаяжон билан кузатадилар ва уни бошқаларга бироз бўлса-да бўрттириб ҳикоя қиладилар. Аслини олганда бундай фикр жуда тўғри бўлмаса-да маълум даражада асослидир.

Гап шундаки, барча илонларнинг, жумладан кобранинг ҳам энг хуш кўрган емиши қурбақа ҳисобланади. Овга чиққан кобра ўзининг асосий сезги аъзоси бўлмиш тилини такрор-такрор оғзидан чиқариб теварак-атрофдаги жонли ва жонсиз мавжудотларни бир-биридан фарқ қилади. Бақага келганда у ўз ўлжасини учиб ёки юриб кетаётганида кўради, у ҳаракатсиз нарсаларни кўрмайди. Қурбақа илонни кўрганда ҳақиқатан ҳам унга тикилиб қарайди, чунки кобранинг оғзига кириб-чиқиб турган тилини душманники эканлигини бирданига пайқаб ололмайди ва илон уни аниқ нишонга олади. Ўз навбатида қурбақага ҳамла қилишга тайёрланиб турган кобра оғзини очади ва бақани паққос туширади.

Яҳё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори.

«01»

Кейинги пайтларда халқимизни «ўт балоси»дек офатдан асраш, огоҳ этиш ишларига катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борада туманларда фаолият кўрсатаётган ёнғин хавфсизлиги бошқармаларининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Тилсиз ёв»ни жиловлайлик

Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд. Ходимларимиз маҳаллалардаги ҳар бир хонадонда бўладилар. Фуқаролар билан ёнғиннинг олдини олиш ҳақида суҳбат ва тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришларига қарамай шу кунгача туман бўйича 125 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг аксарияти кишиларнинг озгинагина эътиборсизлиги туфайли содир этилмоқдаки, натижада 1 киши ҳалок бўлди, 3 киши тан жароҳати олди, етказилган моддий зарар 1520747 сўмни ташкил этди. Масалан, Шоир кўчаси 72-уйда ёнғин содир бўлиб 150 квадрат метр уй қурилмаси ва мол-мулки ёнди ва ёнғин ёнма-ён қурилган 70-уйга ўтиб ушбу хонадоннинг ҳам 20 квадрат метр том бўғоти ёнди. Ушбу ёнғин сабаби электр симлари орасидаги қисқа туташув бўлса, Чилонзор кўчасидаги 55-уй, 136-хонадонда сигарет чекишдаги эҳтиётсизлик оқибатидаги ёнғинда эса уй-рўзғор буюмлари буткул ёнди ва уй эгаси У.Шокиров тутиндан оғир даражада заҳарланиб касалхонага тушди.

Юқоридаги каби нохуш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Кейинги пайтларда, техника эҳтиёт қисмлари, ёнилғи ва мой маҳсулотларини тежаб ишлатилишига ҳаракат қилинаётган чоғда очиқ жойларда чиқиндиларни ҳар хил сабабларга кўра ёндириб юборилиши камаймаяпти. Ахир бу ишимиздан халқ хўжалигига қанчалик моддий зарар етишини ўйлаб кўрадиган вақт етди чамаси. Айрим ҳолларда ўзимиз 1-2 челак сув сепиб ўчиришимиз мумкин бўлган (ёнаётган чиқиндини ёки чиқинди ташлаш учун қўйилган темир қутини) пайтда ўт ўчириш машинаси чақирилади. Ахир шу арзимаган иш учун кетган вақт ичида бошқа хонадонда содир бўлган ёнғинга вақтида етиб борилмаслиги, кишиларга ёрдам кечикиши, уларнинг тан жароҳати олишлари ёки ҳаётдан кўз юмишларига сабаб бўлиши мумкинлигини наҳотки англамаймиз. Ёнғинларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим. Шундагина сиз билан биз ўз соғлиғимизнигина эмас, топган мол-мулкимизни ҳам ўт балосидан сақлаб қолган бўламиз. Мен фурсатдан фойдаланиб ёнғин хавфсизлиги ходимлари номидан айтмоқчиманки, ҳар бир фуқаро озгина эътиборли бўлса ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса ўзи учун ва қолаверса жамиятимиз, тинчлигимиз, осойишталигимиз учун фойда эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шундагина ўзимизни турли кўнгилсиз ҳодисалардан сақлаб қолган бўламиз.

Бахром ЮНУСОВ, Акмал Икромов туман Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи.

ФУТБОЛ

Сермаҳсул натижалар

ЎТГАН КУНИ

Мамлакат XI миллий чемпионатининг 24-тур учрашувлари билан олий лигадаги қисқа муддатли таътил ниҳоясига етди.

Пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» ўз майдонида «Сўғдиёна»ни қабул қилиб 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни Марат Бикмаев ва Анвар Солиевлар киритишди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди. «Трактор» — «Насаф» 2:4, Самарқанд— «Динамо» — «Қўқон—1912» 2:1, «Бухоро» — «Зарафшон» 0:0, «Машъал» — «Дўстлик» 3:1, «Навбаҳор» — « Сурхон» 1:0, «Андижон» — «Нефтчи» 1:1, «Металлург» — «Қизилқум» 2:2.

(Ўз мухбиримиз)

ФАЛАКИЁТ СИРЛАРИ

Фавқулодда табиий жараён

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида Ер юзида кўплаб кутилмаган табиий ҳодисалар содир бўлди. Бунга об-ҳавонинг исиши, турли ҳудудлардаги дарёлар тошиши ва рўй берган кучли циклонларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Аслида бу ҳодисаларни кутилмаган, фавқулодда деб бўлмайди. Чунки табиатнинг бу инжиқликлари маълум даражада олдиндан маълум. Сўнгги бир неча минг йилларни қамраб олувчи археологик тадқиқотлар ва ёзма йилномаларда иқлимнинг мўътадил ўзгаришлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Турли сабаблар натижасида рўй берувчи даврий иқлимий ўзгариш маромлари аниқланган. Улар 11, 35, 80-90 йиллик даврлардан ташкил топган. Айниқса, унинг 1800-1900 йиллик намлик ва қуруқлик даврлардан иборат катта даврлари бор. Бу катта даврийликка кўра замин иқлимида милодий 2000 йиллик охири, 3000 йилликнинг бошларида навбатдаги қурғоқчилик даври бошланди ва у қарийб олти-етти аср давом этади. Табиатнинг бу ҳодисасига устма-уст, кишилик жамияти тараққиётининг салбий маҳсули бўлган «иссиқхона эффекти» қўшилмоқда. Яъни бу Қуёшдан Ер сиртига тушган нурнинг коинотга қайтмай ушланиб қолишидир. Ер атмосферасидаги ифлос чанг қатлами Қуёш нурининг қайтишига тўсқинлик қилади.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижаси бўлган бу жараён оқибатида Ер сирти ҳарорати одатдагига қараганда сезиларли даражада баландроқ бўлиши нафақат кутилмоқда, балки бу қалтис ҳолат рўй бера бошлади. Табиатнинг бу инжиқликларига Қуёшнинг навбатдаги фаоллигининг рўй бериши ва унинг кучайиши ҳам ўз улушини қўшмоқда. Доимий равишда олиб бориладиган метеорологик кузатишлар, Ер иқлимидаги бундай ўзгаришлар сабабли Тинч океан ҳароратининг кўтарилиши, шимол музликларининг эриши жараёнининг ортиши оқибатида Атлантика океани иссиқ оқимининг қисман совуши рўй бермоқда. Буларнинг натижасида кўплаб кучли циклонлар, селлар ва сув тошкинлари содир бўлиши кузатилмоқда. Иқлимнинг кенг кўламдаги бундай кескин ўзгариши Ер юзидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламига ҳам кўплаб ташвишлар олиб келади ва улар муҳитида жиддий салбий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Шубҳасиз, барчани қизиқтирувчи иқлим, об-ҳаво муаммоси доимо долзарб. Чунки одамзод фаолияти об-ҳаво билан чамбарчас боғланган. Инсон ва иқлим муносабати кундалик ҳаёт учун бир меъёр. Маълумки, об-ҳаво қандай бўлишлиги ҳақида кўплаб кундалик ёки йиллик тахминий об-ҳаво кўрсаткичлари доимий равишда эълон қилиб турилади. Лекин бу «башорат»лар ҳамма вақт ҳам ўз тасдиғига эга бўлавермайди. Аммо ҳаёт тарзи иссиқсовуқ даврларга илгаридан ҳозирлик кўриш, об-ҳавони олдиндан тахмин қилишга зарурат талаб этади. Агар биз халқимизнинг бой меросига мурожаат қилсак, айни муаммонинг баъзи ҳолдардаги беназир ечимига дуч келамиз. Милодий 2002 йилнинг ёз даври жуда иссиқ бўлди. Баъзида у гўё ниҳоятда узоқ давом этадигандек эди. Ҳатто 26 июнда кирган ёз чилласи 4 августда чиққан бўлишига қарамай об-ҳаво ҳарорати ҳамон юқори бўлди. Вақт ўтиши билан ҳарорат пасайди ва куз шабадаси эса бошлади. Хўш, бу ҳолат даврларини олдиндан билиш мумкинми? Ҳа, агар 10000 йил давомида мукаммаллаша борган Чилла тақвимига мурожаат қилсак. Матбуотда «мукаммал, мангу, кабисасиз Чилла тақвими» ҳақида маълумот берилган эди. Айни тақвимга мурожаат этилса юқорида қайд қилинган, жумладан шу йилги ёзги иссиқлик даври иқлим ҳолатини тавсиф этиш мумкин. Ёз чилласи 4 августда тугади. Лекин жазирама иссиқ яна 10 кун давом этди ва 14 августда об-ҳаво ҳарорати сезиларли даражада пасайди. 29 августда эса ёзги иссиқ даври ўтганлиги аён бўлди. 8 сентябрда куз ҳавоси сезила бошлади. Аммо куз муддати 22 сентябрдан ўз ҳисобини бошлади. Хўш, булар қандай муддат ва ҳолатлар? «Чилла тақвими»да қайд қилинишича, 29 августда ёзнинг тўксон ҳисоби тугади. 8 сентябрда эса ёз даврининг юз куни — сади пок бўлди. Бу санадан яна 13 кунлик Бобо деҳқон ҳисоби ўтгач ёз фасли даври тамоман тугаб кузнинг 70 кунлик ўтиш даври бошланади ва 1 декабрдан қиш даври ҳисоби очилади. Энди 14 августда ҳаво ҳароратининг ўзгаришига келсак, бу иқлим фаслларининг ўн кунлик кечикиб силжиши хусусияти билан изоҳланади. Халқ даҳосининг беқиёс намунаси бўлган Чилла тақвими минг йиллар давомида синовдан ўтиб мукаммаллашган ва ҳамон ўз мавқеини сақлаб қолмоқда.

22 сентябрда кузги тенг кунлик содир бўлди. Мана шу куни Марказий Осиёда қадим замонлардан буён Меҳржон байрами нишонланади. Меҳр сўзи маълум маънода Қуёшни англатади. Демак, бу кун Қуёш куни, Қуёш байрами. Бу кун жазирама қуёшли кунлар тугаб, салқин қиш даври бошланди, деган гап. Ёзги меҳнатга якун ясаб, қишга ҳозирлик кўриш бошланди. Бу кун ҳосил байрами тантаналари бўлиб ўтди. Шундай қилиб кузги тенг кунлик — Қуёш байрами. Меҳр-мурувват байрами.

Саййид Баҳром АЗИЗОВ, фалакшунос.

Тошкент шаҳридаги битта ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун **танлов ўтказилади**. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси «Тошкент ҳақиқати» — «Ташкентская правда» газеталари бош муҳаррири Ф. Муҳиддиновга онаси **Мукаррамхон МУҲИДДИНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати ва жамоаси шу институтнинг умумий жарроҳлик кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Шавкат Наимович Каримовнинг падари бузруквори **НАИМ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909.

Босмага топшириш вақти 13.00

Топширилди 15.20

1 2 3 4 5 6